Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 14 август, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 66 (7159)

Da`vat

Биргина хислат — тиним билмасликкина инсон тафаккурига ўзгача жозиба бахш этади.

Анатоль ФРАНС

Ibrat

Каттақўрғон тумани Амир Темур номидаги 79-ўрта мактаб жамоаси (директори Бекпўлат Ўролов) «Андоқ» жамоа хўжалиги ажратган 4 гектар ерга буғдой экиб, катта хирмон кўтаришди. Олинган даромад мактаб капитал таъмирига ишлатиляпти.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Японияниг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Киоко Накаяма ишонч ёрлиғини топширди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиллар тўхташ жойлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида «Ўзбекистоннинг дин ва виждон эркинлиги борасидаги бугунги сиёсати» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• Лондонда уй қамоғида сақланаётган Аугусто Пиночет Буюк Британияда вафот этиши мумкин, деган хулосага келишди уни даволаётган шифокорлар.

• Янги Зеландияда «Ансетт» авиакомпанияси учувчиларининг иш ташлаши сабабли юздан ортиқ авиайўналишда самолёт қатнови тўхтаб қолди.

• Франциянинг «Пешине», Канаданинг «Алкан алюминиум» ҳамда Швейцариянинг «Алюсюисс» алюминий ишлаб чиқарувчи компаниялари бирлашиб, дунёдаги йирик гуруҳни ташкил этди.

Рейтинг рағбат уйғотади
2-бет

ИСТИҚЛОЛ ИНОЯТИ

«Ma'rifat» anketasi

1. Мустақиллик сизнинг тақдирингизда...
2. Ў сизга нима берди?
3. Ва сиз Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшаяпсиз?

1. Савол қўйилди. Жуда оддий, жуда залворли – истиқлол менинг ҳаётимда қандай из қолдирди? Оддийлиги – бугун ҳамма ўзига шу саволни бериб кўрмоқда. Залворлилиги — ҳамма ҳам бу саволга жавоб топа олмаяпти.

Тевараккa қарайман. Ҳар кунги, ҳар доимги ҳаёт. Қуёш чиқади, одамлар ҳаракатда, ҳар кунги кундалик юмушлар. Қуёш ботади, бир кун ўтди. Вақт ўтмоқда — ҳар доимгидек. Кеча ҳам шундай эди, бугун ҳам, эртага ҳам.

Одамларга қарайман. Ҳамма ўзи билан банд. Туйғулар – орзу, истак, ният, истакка асосланган ҳаракат-интилиш. Кимдир енгаяпти, кимдир етолмай, қўл силкияпти, кимдир қурашни давом эттирмоқда. Истиқлол бизга, менга курашиш имконини, аниқ мақсад қўйиб интилиш имкониятини яратди.

2. Ўзимга қарайман. Мен-чи, ўзим-чи, ўзим ҳар доимги «мен»манми?

Саволни қўяману, шу саволни кўя олаётганим ҳақида ўйлайман. Ҳа, мустақиллик менга фикрлаш имконини берди? Энг муҳими — шу.

3. Физикада нур тушунчаси бор. Қора ранг нурни ютади, ютаверади, фақат ўзига олади. Оқ ранг эса ютади, ютади-ю яна бошқаларга ҳам тарқатади – акслантиради.

Бугун мен истиқлол нурларидан баҳра олаётганимдан ва уни бошқалар — ёш авлод билан баҳам кўраётганимдан етарлича фахр туяяпман. Мустақиллик менга шундай онгли ҳаракат имкониятини берганини ҳар куни, ҳар соат дарсимда ҳис қилиб тураман.

Хўш, мен мустақилликни мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшаяпман? Бу энди алоҳида савол. Бунга жавобни вақт, менинг болаларим, истиқлол фарзандлари — ўқувчиларим айтишади, кўрсатишади.

Бодом НАЗАРОВА,
Нуробод туманидаги
15-мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси

Ўқитувчи ёш дафтарига

ЗАЙТУН МОЙИНИНГ ХОСИЯТИ

Италия ва Германия мамлакатларида юрак хасталигига чалинган беморлар жуда озчиликни ташкил қилади. Америкалик шифокорларнинг таъкидлашларича, бунга сабаб бу давлатларда зайтун мойининг кўп истеъмол қилиниш-дадир. Зайтун мойи юрак касалликларининг олдини олувчи энг яхши воситалардан бири экан.

ЎТГАН ЙИЛГИ КУЗАТИШЛАР

Америка иқлимшунослик миллий маркази мутахассислари томонидан ўтган йили июль ойида АҚШ, Франция, Жанубий Америка ва Африкада об-ҳавонинг одатдан ташқари исиб кетганлиги кузатилди. Мутахассислар Антарктида марказий ҳудудларидаги улкан музликларнинг эриши натижасида дунё океанлари суви 6 метрга кўтарилганлигини таъкидламоқдалар.

СЕЗГИР ҚУРИЛМА

Англия авиакомпаниялари буюртмасига биноан мутахассислар томонидан янги электрон асбоб яратилди. Мазкур қурилма курол-яроғни ва портловчи моддаларни, ҳатто улар микроскопда кўринадиган даражада оз бўлса-да, тезда аниқлаб беради.

БОЛАЛАРГА МАЪҚУЛ ТУШДИ

Америкадаги ўйинчоқ ишлаб чиқарувчи фирмалардан бири болалар учун ажойиб қўғирчоқ яратди. Қисман фикрлаш ва гапириш салоҳиятига эга бўлган бу қўғирчоқнинг тил бойлиги юзга яқин сўздан иборат. У митти жараёнлар ёрдамида берилган дастур бўйича чекланган мавзуда болаларга ҳамсуҳбат бўла олади.

ИҚРОР ВА УМИД

(Репортаж)



Гўё чексиз, охири йўқ вақтни бўлиб-бўлиб, номлаб олганмиз — йил, ой, ҳафта, кун... Айтишадики, ҳаммасининг бир куни ҳисоб-китоби бор. Ҳатто дақиқаю лаҳзаларгача. Биз эса баъзан кунларимизу ҳафталаримиз, ҳатто ойу йилларимизнинг бесамар ўтиб кетганини сезмай қоламиз... Хотирамизда ғира-ширалик ҳукмрон бўлади. Бироқ, шундай кунлар бўладики, улар узоқ кутилгани, тайёрланилгани учун ёдимизда ўз ўрнилари топиб оладилар. Августнинг ўн биринчиси 105971 нафар ёшларнинг эсида қоладиган бўлди. Республикамиздаги мавжуд 201 та ўрта махсус таълим даргоҳларига бу йил шунча абитуриент ҳужжат топширган ва 11 август уларнинг билими синовдан ўтган кун бўлди.

Синов жараёнларини кузатиш мақсадида ўша куни Чилонзор туманида жойлашган Республика электротехника тиббиёт техникумига йўл олдик. Техникум ҳовлисига киришда уч-тўртта абитуриент гурунглашиб турган экан, уларга қўшилдик. Мавзу аниқ бўлганлиги сабабли суҳбатимиз тезда қизиб кетди. Гап сўнгида Қашқадарёнинг Китоб туманидан келган Бунёд Шаропов исмли абитуриент:

— Ўқишга тайёрланиш жараёнида мактабда яхши ўқимаганим билиниб қолди. Яхшимас, зўр ўқирдим, лекин у «зўр»им бу ерда ўтмас экан. Ҳаммасига ўзим айбдорман, — деб қолди. Бу иқрор бизни ўйлантириб қўйди.

Қабул комиссияси ходимларига мурожаат қилганимиздан сўнг бизни техникумнинг ортопедик стоматология бўлими бошлиғи Ғайрат Ҳабибуллаевга рўпара қилишди. У қабул комиссиясининг масъул котиби экан. Домла билан аудиторияларни айланиб чиқдик. Ҳаммаси кўзда тутилганидек: хоналар саранжом, столлардаги ўринлар махсус рақамланган, титул варағи ва жавоблар дафтарлари учун махсус стол ажратилган, ҳар бир хонага «Parkent» газли суви қўйиб чиқилган, аудитория раҳбарлари ўз жойларини эгаллашган...

Test — mustaqillik mevasi

Даъвогар ёшлар навбатма-навбат кириб келишиб, тартиб бўйича ўз жойларини эгаллай бошлашди. Ҳамма йиғилиб бўлгач, Давлат тест маркази вакили, қабул комиссияси ходимлари ва аудитория раҳбари иштирокида абитуриентларга сўнгги бор қисқача тушунтириш берилиб, синов онлари бошланади. Мен эса, масъул котибни суҳбатга тортаман:

— Техникумимиз 1963 йили ташкил қилинган. Аввалига тиббиёт жиҳозларини тузатадиган техник ходимлар тайёрлашга йўналтирилган техникумимизда кейинчалик бошқа бўлимлар ҳам очилди. Бугунга келиб, ҳамширалик иши, ортопедик стоматология, даволаш иши бўлимларимизда 1400 дан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Бу йил эса, 225 нафар ёшларни талабаликка қабул қилишни режалаштирганмиз. Шундан 150 таси давлат гранти, 75 таси контракт бўйича. Даъвогарлар сони эса 868 та бўлди. Энг кўп — ҳамширалик иши бўлимимизга ажратилган 30 ўринга 248 абитуриент ҳужжат топширган. Бу бир ўринга саккиз талабгор дегани. Ёшларга яхши имкониятлар яратиб берганмиз. Улардан талаб эса, битта – яхши ўқиш, юртимизга муносиб фарзандлар бўлиш.

Дунё синовлардан иборат. Ўзимиз истагандек яшаш учун, мудом чорлаб турувчи орзуимиздаги ҳаётга эришиш учун катта-кичик имтиҳонлардан ўтишимизга тўғри келади. Бу табиий. Акс ҳолда ҳаёт ҳаёт эмас, эртак бўлиб қолади.

Шундай ўйлар билан қайтар эканмиз, бир бекатда автобусга чиққан аёл бехосдан ҳаяжон билан қичқириб юборди: «Болам қолиб кетди, тўхтатинг, болам!». Ҳайдовчи автобусни тўхтатганида, она-бола топишишган, мунис чеҳрали, кўзларидан ёш чиқиб кетган она боласини қучоқлаб олган, кўз ёшини артар экан, титроғи ҳали босилмаган эди. Ўн ёшлардаги ўғилчаси ундан олдинроқ чиқиб, бўш ўриндиқда ўтириб олган, шу сабабли онаси кўзидан бир зум йироқлашган экан...

Кўз олдимизга шунда техникум ҳовлисини тўлдириб ўтирган ота-оналар келди. Умид билан кутаётганлар, фарзандлари иқболи қайғусидаги ўзбеклар. Ҳамма умидвор, лекин ажратилган ўринлар чекли. Китоблик Бунёднинг иқрори эсимизга тушди. Масъулиятни ҳис қилиб, синовга жиддий тайёрланганлар ота-оналари умидларини оқлашлари аниқ. Буни билишларига ҳам оз қолди.

* * *

Шу куни эрта тонгда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона коллежига етиб келганимизда, коллеж ташқарисида фақат ота-оналар қолиб, абитуриентлар аллақачон тест синовлари ўтадиган махсус аудиторияларга жойлашиб улгуришибди.

(Давоми 2-бетда)

Дилсўз (ҳикоя)
4-бет

ЭЪЗОЗЛАГАН ЭЪЗОЗ ТОПАДИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мустамлакачилик даврида юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни ҳурлик ва эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватандошларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшлар қалбида метин иродали, мард аждодларимиз руҳи покига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш мақсадида қатағон қурбонларини ўрганиш учун жамоатчилик комиссияси тузилган эди.

Шу муносабат билан жамоатчилик комиссияси аъзоларининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг бу борадаги Фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев олиб борди. Мажлисда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси тузилди ва унинг устави тасдиқланди. Жамғарма раҳбар органлари ва раёсат аъзолари сайланди. Жамғарма раиси этиб адабиётшунос олим Н. Каримов сайланди.

МУХБИРИМИЗ

Tadbir

НАВБАТДАГИ ПАРВОЗ

50 нафар ўқувчига оқ йўл тиланди.

Ҳа, йўллар оқ, ниятлар, тилаклар ундан-да оппоқ. Юртимизнинг 50 нафар билимли, иқтидорли юқори синф ўқувчилари бир йил давомида Америка Қўшма Штатларида бўлишиб, билимларини янада чуқурлаштириб, теранлаштириб қайтишади. Улар бугун «сехрли диёр»га отланар экан, Ўзбекистон келажаги учун хизмат қилишга отланди, гўё. Чунки юрт келажаги учун хизматни фақат билимдонларгина қилади, қила олади.

Дарвоқе, Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги ҳамда АҚШнинг АКСЕЛС халқаро ташкилотининг 1993 йилдан буёнги ҳамкорлиги натижаси ўлароқ ўқувчилар бу йил ҳам сараларнинг сараси сифатида танлаб олинган эди. Шу куни пойтахтимизнинг «Специал» ресторанида уларни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда ХТВ таълимда давлат стандартлари мониторинги бошқармаси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов ўқувчиларни қизғин табриклаб, ўқишларида омад тилади. Ўз навбатида АКСЕЛС ташкилоти ходимлари, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ҳам чуқур билим олишга даъват этди.

Ўзга юртга отланаётган ўқувчиларимизга ҳар доим юрт нафасини, юрт соғинчини, юрт ғурурини эслатиб турувчи қимматбаҳо совғалар: Президентимиз асарлари, мамлакатимиз рамзлари топширилди.

Андижонлик Сардор Шоаҳмедов, тошкентлик Диёра Зиёева, фарғоналик Комила Қобилова, ҳоразмлик Анастасия Вагай, қорақалпоғистонлик Кристина Битенко... ларнинг кўзларида қувонч, юзларида шижоат, умид, ишонч ҳиссиётлари уйғунлашган эди шу куни.

Рустам БОЙМАТОВ

ЁШЛАРГА ОҚ ЙЎЛ

Бугуннинг ёшлари... Кўзлари чақноқ, юрагида ўти бор йигит-қизлар. Қалблари Ватанга муҳаббат ҳисси-ла лиммо-лим, диллари истиқлол нуридан чароғон. Улар суюкли юртимиз умиди, келажагимиз бунёдкорлари...

Жиззах вилояти марказидаги Юнус Ражабий номидаги театр биносида тўпланган ёшларни кузатганларнинг кўнглидан шундай фикрлар кечди. Бу ерга турли олий даргоҳларда Мустақиллик даври таълимини олган ва ўқитувчи аталмиш шарафли номга сазовор бўлган, янги ўқув йилида вилоят мактабларида ўзларининг илк иш фаолиятларини бошлайдиган 445 нафар ёш мутахассислар таклиф этилиб, катта анжуман ўтказилди. Анжуманда вилоятнинг донгдор муаллимлари ва кекса, тажрибали мураббийлар сўзга чиқиб, ёш ўқитувчиларга мамлакат келажагини яратувчи болаларимиз тарбияси ишониб топширилажагини ва бу ғоятда масъулиятли иш эканлигини таъкидлаб, ёшларга оқ йўл тиладилар. Уларнинг ўз ҳаёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда айтган ҳар бир ўгит ва маслаҳатлари ёш мутахассисларни бефарқ қолдирмади. Эсда қоларли тарзда ўтган ушбу тадбир сўнгида ёш ўқитувчилар қасамёд қабул қилдилар.

Анжуманда Жиззах вилояти ҳокимлиги вакиллари ва вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарлари иштирок этди.

И.БЎРИБОЕВ

«Eng ulug', eng aziz» tanloviga

494 МИНГ СЎЗ ЁКИ ТИЛ ҲАҚИДА

— **Ҳар қандай инсон учун энг катта бойлик — бу унинг ўз она тилидир. Тилни билиш учун ҳар бир киши ўзбек адабиётини, Навоий ижодини яхши билиши керак,** — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 август куни "Ўзэкспомарказ"даги академик лицей ва касб-ҳунар коллежи намунали ўқув хоналари, ўқув қуроллари кўргазмаси билан танишаётиб, - **Навоий ижоди ўзбеклар учун катта бойлик. Навоий ижодини ким билади? Менинг фикримча, адабиётчилар билади. Улар ҳам тор маънода билишади. Нега? Негаки кўп эски сўзларни тушунишмайди. Нима қилиш керак? Таклифим: Навоий меросини ўрганишга мактаб ёшидан киришиш керак. Навоий асарлари луғатини чиқариш керак. Изоҳли, қийин луғатлар эмас, оддий луғатлар керак.**

Ҳа, Президент бугун ўзбек миллати, маданияти ва маърифати ривожи учун ўта муҳим, айтиш мумкинки, энг долзарб масалани ўртага ташламоқда. Ўртага ташлабгина қолмай, унинг қандай ҳал қилиниши, ҳатто ечимини ҳам кўрсатмоқда.

Тил энг катта бойлигимиз. Ҳазрат Навоий ижоди эса адабий мерос, тил бойлигимиз чўққиси. Бу чўққини забт этиш, Навоийни тушуниш, Навоийни тушунмоқ учун эса энг аввал у зот ишлатган сўзларни билмоқ, ёдламоқ демак.

Маълумотларга кўра 60000 сўз бойлигимиз бўлиб, 2000 ида сўзлашамиз. 6000 таси мутахассислар ҳукмида. Демак, 54000 сўз бойлигимизни қор босиб ётибди. Яъни сўз бойлигимизнинг 10 фоизигина нутқ маданиятимизда қўлланилади. Қолганини муомалага киритмоқ учун нима қилиш керак?

1989 ЙИЛ 21 ОКТЯБРЬ

Шу куни тилимизга Давлат тили мақоми берилди. Миллат тантанаси бўлди бу кун.

МУАММОЛАР

Тил-ку ўзимизники бўлди. Лекин тил билан боғлиқ муаммолар-чи? Албатта, муаммолар ҳам ўзимизники. Инчунин: агар барча таржимонлар, мутахассислар жалб этилиб, эски ёзувда битилган адабиёт, маданият, санъат ва бошқа соҳалардаги асарлар устида таржима, тадбил ишларини бошласалар, ўрта ҳисобда 400 йил мобайнида бундай таржима ишлари ниҳоясига етар экан (1990 йилги статистика).

Ахир қанчадан-қанча асл манбаа битиклар, қўлёзмаларимиз ўз мутаржиму тадқиқотчиларини қачонгача кутади? Қайси авлод асл бойликни тасарруф этади? Шундай авлод етишаяптими, ўзи? Қайси авлод классикларни, улуғ Навоийни таржимасиз, асл ҳолида ўқий олади? Бу ҳақда ўйлаётганлар борми?

(Давоми 2-бетда)

ИҚРОР ВА УМИД

(Боши 1-бетда)

Қўлимизда Давлат тест маркази томонидан берилган махсус рухсатномани кўрган навбатчилар: «Сиз қайси гуруҳдансиз? Тезда аудиторияга киринг!» дея бизни коллеж ҳовлисига киритиб юборишди. Асл мақсадимизни билгач, коллеж раҳбариятига учраштиришди. Коллеж қабул ҳайъати масъул котиби, божхона хизмати капитани Асқарали Обидов ҳамда кадрлар бўлими бошлиғи, божхона хизмати полковниги Миркарим Мирсовуров ҳамкорлигида аудиторияларни кўздан кечирдик. Бу ерда ДТМ масъул ходимлари ҳар бир аудитория раҳбари ва унинг ёрдамчисига охирги маслаҳатларини беришар, улар эса ўз аудиториясидаги абитуриентларга титул варағи, тест саволлари вариантлари ҳамда жавоблар варағини қандай тўлдириш лозимлигини уқтирмоқда эди. ДТМ ходимлари Неъмат Жамолиддинов, Бахтиёр Исломовларнинг таъкидлашича, ушбу коллеж ҳарбийлаштирилган таълим муассасаси бўлганлиги боис бу ерда тест синовлари ниҳоятда яхши тартиб-интизомда ўтмоқда. Абитуриентлардан ташкил топган 31 та гуруҳнинг ўз аудиторияларига саф тортишиб кириши ҳам кишига байрамона кайфият бағишлар экан.

Бу йил мазкур даргоҳга топширилган жами 1559 та аризадан 1216 нафар абитуриентнинг ҳужжати тест синовларини топшириш учун қабул қилинган. Қолганларининг ҳужжатлари касбга мойиллик даражасини аниқлаш танловидан ўта олмаганлиги учун қайтарилган.

— Бизнинг таълим муассасамизга қабул йил бошида бошланади, — дейди Миркарим ака Мирсовуров. — Январь ойида республика матбуотида коллежга қабул ҳақида эълон берилади.

Тошкент шаҳри ва вилоятлар божхона бошқармалари ҳамда ихтисослашган «Тошкентаэро» божхона мажмуасида бўлажак курсантларнинг ҳужжатлари 1 февралдан қабул қилина бошлайди. Ва дастлабки танловлар жойларда ўтказилади. Талабгорларнинг 100 метрга югуриш, турникда тортилиш ҳамда 1 километр масофага югуриш бўйича жисмоний тайёргарлиги аниқланади. Сўнг вилоят ҳарбий тиббиёт комиссияси кўригидан ўтиб, саломатлиги тўғрисида хулоса олишади. Охирида махсус суҳбат орқали ҳар бир боланинг қизиқишлари, ҳарбийликка қобилияти, дунёқараши, эътиқоди ҳар томонлама ўрганилади. Ушбу синовлардан муваффақиятли ўтган талабгорларнинг ҳужжатлари жойлардаги божхона бошқармалари орқали коллежга етказилади. Бу ерда ҳам ушбу абитуриентларнинг ҳужжатлари босқичма-босқич ўрганилгандан сўнг, улар тест синовларига қўйилади.

... Соат миллари 9.00 ни кўрсатди. Барча абитуриентлар тест саволларини ечишга киришишди. Биз уларга омад тилаб, суҳбатимизни коллеж бошлиғи, божхона хизмати полковниги Ҳожиакбар Тожибоев билан давом эттирдик. Раҳбар сўзидан маълум бўлдики, ўтган йили бу даргоҳга жами 907 та ариза тушиб, унинг 679 таси тестга қўйилган. Тест синови натижасига кўра, талабгорларнинг 136 нафари курсант бўлишган. Бу йил эса кўрсаткичлар анча юқори бўлиб, бир ўринга 9-10 одам тўғри келаяпти. «Божхона коллежида ўқиш муддати қанча ва битирувчиларга қандай мутахассислик берилади?» деган саволимизга Ҳожиакбар Тожибоев шундай жавоб берди:

— Авваламбор, коллежимиз ҳарбийлаштирилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаси бўлганлиги учун бизда таълим олувчилар курсантлар ҳисобланишини алоҳида таъкидламоқчиман. Коллежда ўқиш муддати 11 йиллик умумий ўрта таълимга эга бўлган абитуриентлар учун 2 йил ва 1 йил божхона хизмати органларида амалий ишда синов. Мақсад — коллежда олган назарий билимларни амалиётда, жойлардаги божхона органларида синаб кўришдир. Жойлардаги божхона органлари ўз хулосаларини берганидан сўнг, курсант битирув имтиҳонларига қўйилади.

Божхона коллежини тамомлаган курсантларга ўқиш вақти божхона органларида хизмат стажига қўшилади, қуролли кучлар сафларида хизмат қилмаганларга эса ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатига қўшилади. Коллеж битирувчисига «Божхона иши ҳуқуқшуноси» мутахассислиги ҳамда «Божхона хизмати лейтенанти» ҳарбий унвони берилади. Шунингдек, битирувчилар «В» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасига ҳам эга бўлишади.

Коллеж раҳбари билан мулоқотимиз чоғида аудиториялардан абитуриентлар чиқа бошлашди. Улардан бир-нечтасини суҳбатга тортдик.

Алишер ЁҚУБОВ, Юнусобод туманидан: — Тест саволлари унчалик мураккаб эмас экан. Аммо, она тилидан анча қийналдим.

Марат АБДУЛИН, Шофиркон туманидан: — Телевизорда ушбу коллеж ҳақида кўрсатувни кўриб, менда шу ерга кириш иштиёқи туғилди. Тестдан ўтиб кетишимга ишончим бор...

Ҳа, ўтган кунларига назар ташлаб, яхши-ю ёмонига иқрор бўлганлар, ўзини яхшиликларга чоғлаганлар, энг муҳими, ҳаётида ўзгариш ясашга интилганлар учун синовнинг бир босқичи бўлиб ўтди. Олдинда эса синовлар, иқрорлар ва умидлар ҳали кўп...

Нурлан УСМОНОВ, Ҳусан НИШОНОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбирлари

АЁЛГА БЕРИЛГАН ИМКОН

Аёлга имкон беринг, у қўшиқ куйласин!

Шеър битсин!

Фарзанд тарбияласин! Матога манзара кўчирсин!

У қаерда, қай муҳитда яшамасин, истиқлолнинг ўзига берилган имконларини англаб етсин.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган «Истиқлол ва аёл» ижодий кечасида худди шу сингари ундовлар жаранглаб турди. Қалам аҳлининг фаол вакиллари йиғилган бу кечада шеърлар ўқилди, эркин ва ижодий мулоқотнинг негизида ҳам бугунги Ўзбек аёли турди.

Шоира Зебо Мирзаеванинг юрак сатрлари... «Оила ва жамият» газетаси бош муҳаррири, адиба Дилбар Саидованинг куйди-пишди фикрлари... Қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг ичакузди ҳангомалари...

Ижодий кечага ташриф буюрганлар бир нарсага амин бўлишди: истиқлол аёлга туганмас имкон берди. Буни тушунишга, идрок этишга ҳаётнинг ўзидан турли мисоллар кўп.

Шайҳонтоҳур туманидаги 48 та маҳалладан ташриф буюрган хотин-қизлар кенгашларининг раислари ҳам ижодий кечанинг меҳмонлари бўлишди.

Миллий матбуот марказининг раиси Амирқул Каримов меҳмонларга ташрифи учун ташаккур билдирди.

МУХБИРИМИЗ

494 МИНГ СЎЗ ЁКИ ТИЛ ҲАҚИДА

(Боши 1-бетда)

Танишинг: XXI аср муаллимаси

Бор экан, бўлгандаям бу муаммолар устида бош қотириб, ечим жараёнида ихтиролар яратган ўқитувчи тарих саҳнасида кўриниш берди. Танишинг, бу инсон — ҳамкасбларидан бироз олдинга кетган, айтиш мумкинки, XXI аср муаллимаси — Мамлакат опа Латипова: "11-синфни тугатаётган ўсмир Навоий, Машраб, Бобур, Улуғбек, Беруний, Хоразмий каби алломаларнинг қўлёзмаларини таржимасиз, чинакамига тушуниб ўқиш имкониятига эга бўла олса, бизнинг миллий ғуруримиз, тарихимиз, ва маънавиятимиз ўз-ўзидан жадалроқ тикланмасмикан? Қадриятларимиз битилган битикларга руҳий кириб бориш бугунги ҳаққимиз ва бурчимиздир?", деди у.

Дарвоқе, ижодкор муаллима бебаҳо тилимиз томон, аввало, ўзи намунали қадам ташлаб, "Атамалар тилсими" рисоласини ёзди. Мен дастурлаган "Атамалар" ёдлаш дарси" мактаб дастурига киритилса, юқоридаги орзуларимиз тезроқ амалга ошармиди", дейилади рисолада. Халққа ва халқ таълими вазирлиги диққатига ҳавола қилаётган, ўзи дастурлаган дарс учун жонкуяр ўқитувчи "Атамалар тилсими" деб номланган мослама ҳам ихтиро этди.

"АТАМАЛАР ТИЛСИМИ" МОСЛАМАСИ

Бу мослама буткул янги ихтиро бўлиб, мосламадаги айланага 2000 та тушунарсиз сўз ва атама таржимаси \изоҳи\ билан бирга алифбо тартибида жойлаштирилган. Мосламанинг тепа қисмидаги абжад жадвали формуласи асосида темаларнинг рақам ифодаси топилади. Дарвоқе, абжад ҳисоби тартибида эски ёзувдаги 28 ҳарфнинг ҳар бири маълум бир рақам сонни ифодалашга хизмат қилади. Хуллас, керакли атамани топишда бизга магнитли картончаларга ёзилган рақамлар ёрдам беради. Кўпчиликка маълумки араб ёзуви ва араб рақамлари бир-бири билан мутаносибликка эга. Масалан: Алиф ҳарфи — 1 рақамини, Бе ҳарфи — 2 рақамини, жим — 3, йо — 10, коф — 20, лом — 1000, и — 500, гайн — 10000 рақамини ифодалайди.

"Атамалар тилсими" мосламасидаги айланада айланаётган атамаларнинг рақам ифодасини топмоқчи бўлсак, уша атама асосидаги ҳарфларга оид рақамларни олиб, сўз тагидаги бўш қолдирилган қаторга ҳарф-рақам мослигидан келиб чиқиб терамиз. Ва шу рақамларни бир-бирига қўшамиз. Чиққан натижа шу атамаларнинг рақам ифодасини билдиради.

Абжад ҳисобининг имкониятлари кенг. Шу ҳисоб йули билан баъзи фикрларни ҳарфлар, сўзлар ёки рақамлар орқали ифода қилиш мумкин. Бу ҳисоб ёрдамида бир қанча амаллар бажарилади. Кўпайтириш жадвали тузиб ўқитилади. Машҳур кишилар тарихи ўқилади. Хуллас, муҳизанинг ўзи. Лотин графикасидан фойдаланишда мосламани бироз ўзгартириш ўқув методикаси юзасидан дарс ўтади. Атамалар дарсининг мактаб ва лицейларда алоҳида дарс сифатида утилиши катта аҳамиятга эга. Бу тажрибалар кенг илмий жамоатчилик томонидан инобатга олинса, тилимиз равнақи анча илгарилаши эҳтимолдан холи бўлмайди. Бир соатлик дарсда ўқувчи 25-30 унутилган, кўҳна ва навқирон сўзни ўз онгида қайта тиклайди.

— Президентимиз И. Каримов "Маънавият ва маърифат" дастурлари мезонини авваламбор тилимиз тараққиёти белгилайди", деди. Мен ўзим яратган, дастурлаган "Атамалар дарси" айнан тилимиз тараққиёти учун жуда мос ва хос. Беш йиллик тажрибам ва бугунги кунда Навоийни "таржима"сиз бемалол ўқий олаётган ўқувчиларим бунга гувоҳ бўла олади. Хуллас, бугун бу дарснинг қонуний равишда барча ўқув масканларида жорий этилиши муҳимдир. Негаки, шу туфайли тилимизга оид 60000 сўз бойлигидан 54000 таси, тил билимдони, кифоя.

"ЎҚУВЧИЛАРИМ ГУВОҲ"

Агар атамалар дарси ҳафтасига икки соатдан лицей ёки мактаб дастурига қўйилса, ўқувчи ҳар соатда ўттизтадан сўз ёдласа, бир йилда 4200 та, ўн йилда 42000 та сўз ва атамаларимизни ўзлаштиради. Натижада, яқин йилларга бориб, ёш авлод мумтоз меросимизга оид Муқимийдан Машрабгача, Машрабдан Бобур, Навоийгача бўлган буюк алломалар асарларининг асл нусхаларини ҳеч қандай луғатсиз, насрий баёнсиз, руҳига, қони ва жонига кириб ўқиш имкониятига эга булади.

Шунга кўра , Мамлакат опа, 1994 йилдан буён Меҳнатобод тумани, 2-ўрта мактабда тўгарак ҳисобидан, Гулистон Давлат университети қошидаги лицейда эса дарс сифатида атамалар сабоғини ташкиллаштириб, ўтиб келади. Бунда ўқитишнинг тўрт хил усулини ишлаб чиққан. Дарснинг ун йиллик дастурини ҳам тузган. Шунга кўра, Сирдарё вилояти ўқитувчилар малака ошириш институтида бошланғич таълим ва адабиёт гуруҳларида атамалар дарсининг профессор Алибек Рустамов ҳисобича 500000 (беш юз минг) сўз бойлигимиз бор! демак, 90 фоиз сўз бойлигимиз ўз ўрни ва ўз эгаларини топади. Натижада давлат тилининг равнақи юксак чуққига эриша олади, — дейди Мамлакат опа.

Узбек тилининг жонкуяр фидокори, қилаётган ишининг теранлиги, фавқулоддалигига кўра XXI аср муаллимаси дейишимиз мумкин булган Мамлакат Латипова, Гулистон Давлат университети қошидаги лицей ўқитувчиси, халқ маорифи аълочисининг бу гапларини эшитарканман, ана шундагина Президентимиз ўша 4 август куни "Узэкспомарказ"да айтган: — **Амир Темурни бутун дунё танийди, энди унинг халқи тилини ҳам танисин,** — деган истаги тўла амалга ошишига ишондим. Ва яна ишондимки: олий таълим ва Халқ таълими марказимиздаги фидойи, масъул мутахассислар XXI аср муаллимасининг таклиф тажрибаларига синчков нигоҳларини шубҳасиз қаратади.

Ўрол ЎЗБЕК

Oliy o'quv yurtlarida

ВИЖДОН ИШИ

Ўтган саккиз йил мобайнида маънавият ва қадриятларимизни тиклаш борасида кўпгина хайрли юмушлар амалга оширилди. Бугун ёшларимиз ҳам ўзларига билдирилаётган юксак ишончни дилларига жо этмоқда.

Президент Ислом Каримов Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияда сўзлаган маърузасида яна бир бор миллат қудрати ўзаро ҳамжиҳатликда эканини алоҳида таъкидлаб, «Энг даҳшатли нарса — бу фикр қарамлиги, тафаккур қуллигидир. Агар оддий қилиб айтадиган бўлсак, халқимизнинг «Ёғочнинг бўшини қурт ейди», деган бир мақолини эслайлик. Худди шу каби маънавияти қашшоқ, ўзининг мустақил дунёқарашига, фикрига эга бўлмаган одамга ҳар қандай маккор ўз таъсирини ўтказа олади. Биз, ота оналар, жамоатчилик бўлмаган жойларда бегона, ҳасад ва ёвуз кўз билан қаровчи кучлар пайдо бўлиши муқаррар», дея уқтирди. Шу ўринда айрим ёшларимизнинг маънан қашшоқ, фикрсиз бўлиб қолишига нималар сабаб бўлаётир, деган савол келиб чиқади. Қорақалпоқ шоири Ибройим Юсупов бир шеърида маънавий қашшоқликни шундай ифодалаган:

Маънавий дунёси қашшоқ,
бум-бўшдир,
Еб-ичиш ва фойда ортидан чопар.
«Гўшти қандай экан, бу қандоқ қўшдир?»,
Дея, сайраб турган булбулга боқар...

Модомики, юртимиз келажагига ҳамон шубҳа билан боқувчи, аламзада кучлар бор экан, уларнинг булбулга очкўз назар билан боқиб турадиган ҳудбин кимсалардан нима фарқи бор?! Эндигина ўз йўлини топган, меҳнат, яратиш ишқи билан нафас олаётган халққа унинг фарзандларига совуқ нигоҳ, ёвуз ният билан қараётганларни бугунги ёшлар ва эртанги авлод ҳеч қачон кечирмаслиги аниқ. Афсуски, бурч ва масъулиятни ҳар хил тушунадиганлар орамизда, хусусан, ёшлар орасида ҳам бор экан. Демак, ҳали чинакам масъуллик, фидойилик фазилатларини камол топтириш лозимки, буни юзаки ваъзлар ўқиш, қуруқ насиҳат қилиш билан ҳал этиб бўлмайди. Дейлик, ёшлар қўнглига бугун йўл топадиган раҳбар, маънавият-маърифат ишлари мутасаддиларининг ўзлари маънан юксак поғонада туришлари, дилию сўзи поклиги бирламчи масала бўлиб турганидан кўз юмолмаймиз. Чунки ҳали ҳам нафс балосидан қутулиши даргумон, амалда бошқача, яъни ўз манфаатинигина ўйлаб иш кураётган юртдошларимиз оз эмаски, уларга қарата юртбошимиз сўзлари билан: «Ахир, бу ўткинчи дунёда фақат яхши ном қолдириш, ҳалол меҳнат туфайли қозонган обрў-эътибор билан фарзандлар хотирасида қолиш — ҳар бир инсон учун шараф эмасми?» дегимиз келади.

Албатта, бундай шарафга эришиш кишидан катта масъулият, сабот, меҳр-оқибатли бўлиш, фидойилик талаб этади. Талаба-ёшлар билан ишлашда ана шу сифатлар бўлмаса, устоз ва шогирд, ўртасига қўланка тушиши тайин. Талаба ёшларнинг ислоҳотларга муносабатидаги ижобийликнинг ўсувчанлигига эришиш мақсадида ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлиги, бардавомлигини ҳар бир мураббий ҳис қилса, кўзланган мақсадга эришиш осонлашади. Айни пайтда ёшлар ўртасида давр ҳодисаларига холис ёндашиб фикр юритиш, тўғри сабоқлар чиқариш иқтидори теранлашмоқда. Бунга сабаб, биринчидан, олиб борилаётган маънавий-маърифий тарбия ишларининг самарадорлиги бўлса, иккинчидан, тадбирларни ўтказишдаги ҳужжатларнинг фикр дунёсини тарбиялайдиган, уларнинг камолотга интилишига яқиндан кўмаклашадиган билим ўчоғики, бу жойларда улар билан сўзсиз суҳбатлар қуриш, масофавий, билвосита усуллар билан улар шуурига таъсир этиш янада муҳим. Шу маънода бизнинг университет ҳовлисидаги эстетик жиҳатдан пухта безаклар, буюк алломалар сиймолари акс этган ва улар ҳақида маълумотлар битилган паннолар, хиёбонлар, қолаверса, олимларнинг оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошираётган маънавий ташвиқотлари ўз самарасини бераётир. Дунёвий давлат ва муқаддас ислом эътиқоди ўртасидаги муштаракликни, ҳукуматимиз олиб бораётган оқилона сиёсатни сингдиришга, маънавий кемтикликларни тўлдиришга қаратилган тадбирлар — қўрик-танловлар, давра мулоқотлари ёшлар маънавияти учун қанчалар аҳамиятга эгалиги сир эмас. Шунингдек, экологик тарбия, ҳуқуқий маърифат тадбирлари ҳам ёшлар тафаккурини бойитмоқда. Талаба-ёшларнинг ШАХС сифатида ўзларини намоён этишлари учун уларни маънавият-маърифат сарчашмаларидан, миллат ўтмиши, қадриятларидан баҳраманд этиб бориш устоз-мураббийларининг виждон ишига айланаётгани кўнгилга таскин беради.

Абдусалом ЎРОҚОВ, Қарши Давлат университети ректорининг муовини, Туйғун ХОЛМАТОВ, маънавият-маърифат бўлими услубиётчиси

ИЗЛАНУВЧАН ОЛИМ

Сўлим ва жаннатмакон Бўстонлиқ туманининг Хумсон қишлоғида туғилган табиат шайдоси Ўктам ака биолог бўлишни ёшлигидан орзу қилди. У Тошкент Давлат университетининг биология факультетини муваффақиятли тугатиб, ЎзФА Ботаника институтида юксак ўсимликлар флораси лабораторияси кичик ходими бўлиб ишлай бошлади. Кейинчалик шу институтда аспирантурани тамомлагач, катта илмий ходим сифатида ишни давом эттирди. У 1985-1993 йилларда ботаника институтида директорлик ҳамда бир вақтнинг ўзида юксак ўсимликлар флораси ва систематикаси лабораториясида мудирлик қилди. Бу орада у номзодлик, кейинроқ эса докторлик диссертацияларини ёқлади.

У 1977 йилдан 1980 йилгача Ливия республикасида ишлади ва 3 марта Шимолий Сахрои Кабир бўйлаб саёҳатда бўлди.

Ливиянинг марказий минтақаси флорасини биринчи бўлиб ўрганиб, бу ҳудуд учун янгидан 200 дан зиёд ўсимлик турларини қайд қилди. Мазкур минтақа ўсимликларининг 306 турдан иборат тўлиқ рўйхатини Ливия Давлат университетининг профессори А. Гадий билан ҳамкорликда чет элда инглиз тилида чоп эттирди.

Ўктам ака Ливияда йиққан 10000 дан зиёд гербарийдан 6000 га яқинини Тошкентга Ботаника институтига олиб келди. Марказий Осиё ва Шимолий Африканинг шўрадошлар оиласига мансуб турларини биринчи бўлиб тиклашга муваффақ бўлди ва уларнинг янги системасини (тизимини) ишлаб чиқди.

Ўктам Пратов 20 дан зиёд янги тур, 13 секция, 20 кенжа секция ва битта янги кенжа триба (9 туркумни ўз ичига олувчи) кашф этди. Саккизта туркумни бутун ареали бўйича ўрганиб, Марказий Осиё чўл ўсимликларининг генезиси, тарқалиши ва филологениясига оид қатор назарий фикрларни ўртага ташлади. Олим 6 монография ва 100 га яқин илмий асарлар муаллифи, уларнинг таркибига 10 дан ортиқ рисола, дарслик ва қўлланмалар киради. У «Ўрта Осиё ўсимликлари аниқлагичи» номли 10 жилдли монографиянинг фаол тузувчиларидан бири. Ўзбекистон қомуси (I-XII т.т) «Қизиқарли ботаника» ва бошқа илмий-оммабоп асарларини ёзишда фаол қатнашган. 1962 йили «Русча-ўзбекча ботаника атамаларининг қисқача изоҳли луғат»ни (ҳамкорликда) чоп этди. 1993 йили ботаника атамаларининг русча-ўзбекча қисқа луғати»ни (ҳамкорликда) чоп этди. 1994-95 йиллари ҳамкорликда «Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи» ва 6-7 синф ўқувчилари учун мўлжалланган «Ботаника» дарслигини нашр этди. 1995 йили мактаб ўқитувчилари учун «Ўзбекистон юксак ўсимликлари оиллаларининг замонавий тизими ва ўзбекча номлари» методик тавсиясини чиқарди. Олимнинг Ўзбекистон республикаси ҳудудида яшовчи қардош тиллар мактаби учун 6-7 синфларга таржима қилинган Ботаника дарслиги чоп этилмоқда.

Мана 10 йилга яқиндирки, Ў. Пратов Республика Таълим маркази қошидаги биология илмий методик кенгаши аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Ўктам ака бир неча йилдан буён Республикада ўқувчиларнинг фан олимпиадаларида ёрдам бериш билан биргаликда «Иқтидорли» ўқувчиларни ёзги мактабида ўзининг қизиқарли ва мазмунли маърузалари билан қатнашиб келмоқда.

Биология фанлари доктори, профессор, флорист, ботаник-географ Ўктам Пратовнинг 65 ёшлик таваллуди билан қизғин табриклаб, уларнинг кейинги илмий фаолиятида улкан ютуқлар тилаймиз.

С. ОРИФХЎЖАЕВ, Республика Таълим марказининг бўлим бошлиғи, Э. ИМОМОВ, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти бўлим бошлиғи.

Yozgi maktab

ТАЪТИЛДАГИ ҲАМКОРЛИК

Жаннатмакон Зоминнинг пурвиқор тоғлари бағрида жойлашган Амир Темур номидаги болалар дам олиш оромгоҳида бўлганимизда ажиб бир манзаранинг гувоҳи бўлдик. Дам олувчи болаларнинг барчаси фақат инглиз тилида сўзлашади. Бунинг боисини ҳамроҳимиз оромгоҳ бошлиғи Ҳайдарбек Эргашев кундалик режимга қараб шундай изоҳлайди.

— Болалар эрталаб уйғонгач, бадантарбия машқлари ва нонуштадан сўнг, 75 минутлик биринчи дарс, ярим соатлик танаффус тугагач, 12 ⁰⁰гача иккинчи дарс, 13¹⁵ дан 14³⁰ гача эса учинчи дарс машғулотларида қатнашишади.

Атрофни кузатар эканмиз, ҳақиқатан ҳам болаларнинг бекор юргани ёки зерикиб қолганини кўрмадик. Улар гуруҳларга бўлинишиб, ўзларининг тарбиячилари бошчилигида турли хил ўйинлар, тадбирлар ўтказиш билан банд.

Американинг Тинчлик корпуси вакиллари ташаббуси, Жиззах вилоят ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши натижасида вилоятдаги мактабларнинг 8-, 9-, 10-синфида ҳамда лицей тингловчиларидан инглиз тилини пухта эгаллаган, тест синовидан муваффақиятли ўтган 70 нафар ўқувчи-ёшлар махсус гуруҳга қабул қилиниб, шу оромгоҳга келишган. Бу ерда болалар америкалик Лиса Шарустейн, Энди Тарам, Шейн Одей сингари тажрибали ва малакали ўқитувчилардан сабоқ олишиб, ҳордиқ чиқаришаяпти.

— Ўтган йилнинг августидан буён Пахтакор шаҳридаги 2-,31-мактабларда фаолият кўрсатаяпман, - дейди Американинг Калифорния штатидан келган инглиз тили ўқитувчиси, айни пайтда болалар оромгоҳидаги махсус гуруҳнинг умумий раҳбари Кевин Леноин. — Америкалик болалар оромгоҳлари фаолияти қайсидир аниқ бир ўқув машғулотига йўналтирилган бўлиб, дам олувчи ёшлар бирор-бир соҳанинг мукаммал билимдони ёки моҳир устаси бўлиб кетишига имкон яратилади.

— Демак, америкалик болалар оромгоҳларда фақат ўйин-кулгу билан эмас, бирон фаолият билан узвий машғул бўлишади?

— Худди шундай. Мана бу гуруҳимиз шунга ўхшаб оромгоҳи учун ўтказиладиган тестни эндиликда фақат вилоят марказида эмас, ҳар бир туманда ўтказмоқчимиз.

Бизга тилмочлик қилган Умиджон Раҳимбердиев Жиззах шаҳридаги «Умид» махсус лицей-интернатида компьютер бўйича мураббийлик қилади. Оромгоҳдаги моҳир ўқитувчилардан бири.

Ҳа, мазкур оромгоҳда 70 нафар иқтидорли болалар фақат билимларини мустаҳкамлабгина қолмай, табиат қучоғида мириқиб ҳордиқ чиқаришаяпти.

Абдуманноп АЗИМОВ суҳбатлашди

СЎЗИ ШИРИН, ЎЗИ ШИРИН

Mulohaza

Сўз Оллоҳнинг инсонга берган буюк неъматидир. Инсоннинг яратганга бўлган таваллоси ҳам сўз орқали амалга оширилади. Демак, сўз инсон ва парвардигори олам ўртасидаги қудратли робита, одам ва оллоҳни бир-бирига боғловчи, одам ва оламни ўзаро созловчи илоҳий бир нурдир.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг таъбири билан айтганда, сўз дурру жавоҳирдир. Дурру жавоҳир жилоси қанчалар инсон қалбида оламга ошуфталик, шавқу завқ ҳисларини ошкор этса, сўз ҳам инсонда худди ана шу ҳисларни уйғотади.

Сўзнинг улуғлиги бундан минг йиллар илгари ҳам аждодларимиз диққатини тортган. Ҳинд лашкарларининг кўплигидан саросимага тушиб, тирқираб қочишга шайланиб турган турк қўшинларини илҳомлантирган, қалбига ўт ёққан, ғалабага ишонч руҳини сингдирган ва оқибат ғалаба нашидасига олиб келган ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг сўз сеҳрини ишга солиш маҳорати бўлган.

«Кишининг бошига неки келса, сўзидин» деган эди адиб Аҳмад Югнакий. Кимнингдир улуғ, кимнингдир фақир бўлиши ҳам сўздан: «Бу тилдин ким эзгу, ким ҳақир бўлур» дейди Адиб Аҳмад. Бунда катта ҳикмат бор. Чунки сўз ва фикр ўзаро боғланган. Фикр қанчалик тиниқ бўлса, сўз шунчалик жилоли бўлади.

Кўп сўзлаш инсоннинг фикрлаш қобилияти пастлигини кўрсатади. Кўп сўз инсонни зериктиради, бездиради. Шунинг учун бу ҳақда машойихларимиз кишиларни кўп сўзламасликка, қисқа ва лўнда гапиришга даъват этганлар.

Ёлғон сўз ҳам инсон бошига кўп кулфату маломатлар ёғдириши мумкин. Ёлғоннинг қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида буюк алломаларимиз кўп гапиришган. Халқимиз ўртасида кўп ҳикоя , ривоятлар бор.

Лекин баъзан ёлғоннинг фойдаси бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун «ҳадиси шариф»да яхшилик йўлида қилинган ёлғон эзгулик эканлиги таъкидланади. Оилани мустаҳкамлаш, дўсту биродарлар, қариндош-уруғ, қўни-қўшни ёки икки мамлакат ўртасида алоқани мустаҳкамлаш, дўстона муносабатни ўрнатиш учун қилинган ёлғон бефойда чиндан аълодир.

Инсонни ҳайвондан ажратган ҳам сўздир. Бу инсонга парвардигори олам томонидан берилган буюк неъматдир. Шундай экан, уни Абдулла Қаҳҳор айтганидек, «ўтин ёришга» сарфламаслик, ундан ҳидоят, эзгулик йўлида оқилона фойдаланиш керак.

Кўча-кўйда, жамоат жойларида, транспорт воситаларида айрим ёшларимизнинг оғзидан бешарм сўзларни эшитиб ёқа ушлайсан. Бундай беҳаё сўзларни қаердан ўрганди экан, деб ўйланиб қоласан.

Айрим халқларда муомала маданияти, нутқ маданияти шу даражада ривожланганки, бировни ҳақорат қилиш у ёқда турсин, фикрини қўполроқ шаклда ифода қилишдан ҳам ўзларини эҳтиёт қилишади. Жумладан, японлар умуман қўпол сўзларни ишлатишмас экан. Бундай ҳолат инглиз, француз, немис тилларига ҳам хосдир. Инглиз тилида «Сен» деб мурожаат қилиш расм эмас. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ миллий маданиятимизни тиклашга бел боғлар эканмиз, нутқ маданиятимизни ҳам тиклаш зарурати турибди.

Бизнинг миллий педагогикамизда қадимдан болаларга сўз сеҳрини ҳис қилиш, маъно нозикликларини англаш, лутф билан сўзлаш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида аҳамият берилган. Шунинг учун мактабларда Хожа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Боборахим Машраб, Ҳофиз Шерозий, Бедил сингари улуғ шоирларнинг асарлари ўқитилар, куруқ ўқитилибгина қолмай, ўқувчиларга ёд олдирилар, сатрлардаги ҳар бир сўзнинг маъноларини чақиш, мисраларда ифодаланган таг маъноларни фаҳм қилиш малакаси шакллантирилар эди.

Ҳозирги кунда ёшларимизни миллий анъаналар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратаётган, фарзандларимиз нутқ маданиятини ўстиришга астойдил бел боғлаган эканмиз, мактабларда ана шу шарқона, миллий тарбия усулларини тиклашимиз зарур.

Сўз миллатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини кўрсатувчи, миллат маданиятини оламга таратувчи сеҳрли восита ҳамдир. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритиши билан иқтисодий, сиёсий, маданий соҳада мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Бундай ўзгариш бевосита сўзимизга ҳам алоқадордир.

Ўзбек курашининг жаҳон спорт мусобақаси турларидан ўрин олиши ҳам ўзбек халқи ва ўзбек тилининг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини янада баландроқ кўтарди. Курашга доир бир қатор ўзбек тилидаги кураш, ёнбош, чала, ҳалол, дакки, танбеҳ, ғирром, тўхта, тизза каби атамалар инглиз, немис, француз, япон, хитой, корейс сингари дунёнинг юзлаб халқлари нутқига кириб борди. Бу эса Ўзбекистоннинг, ўзбек маданияти ва ўзбек тилининг дунё узра кенг қулоч ёзаётгани исботидир.

Абдуҳамид НУРМОНОВ, Андижон Давлат университети ўзбек тилшунослик кафедраси ўқитувчиси

Tajriba, sinov, natija

РЕЙТИНГ РАҒБАТ ҮЙҒОТАДИ

Ўқувчиларнинг билим даражаларини баҳолаш ва назорат қилишда рейтинг тизимининг қўлланилиши мураккаб, кўп қиррали жараён бўлиб, у ўқувчиларга билим бериш, уларни тарбиялаш билан бир қаторда, уларнинг фаолиятини ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

Мана бир неча йил давомида бу усулни қўллаш бўйича анча тажрибага эга бўлдик.

Эндиги вазифа, бу усулни тўла тадбиқ этишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Умумий ўрта таълим тўғрисида»ги Низом кўрсатмаларига асосан Самарқанд вилояти туман (шаҳар) мактабларида ўқувчиларнинг билими (фаолияти)ни кўп баллик рейтинг тизими асосида баҳолаш тажриба босқичидан ўтди. Жумладан, Жомбой туманидаги 56 та мактабнинг ҳаммаси ҳозиргача бу соҳада анча тажриба орттирдилар. Туманда рейтинг тизимини ўқув жараёнига жорий қилишда мактаблар бўйича буйруқлар чиқарилган ҳамда рейтинг тизимида баҳолаш низоми ишлаб чиқилиб мактаб жамоаси ўртасида муҳокама қилинган.

Ушбу низомга асосан ўқувчилар билими 100 баллик тизимда баҳоланган.

Фанлар бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш чорак давомида мунтазам олиб борилди.

Кундалик назорат икки хил, кундалик сўров ва эркин фаолият шаклларида олиб борилди. Кундалик сўров асосан туман халқ таълими бўлимининг методика хонаси мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган тавсияга асосан бажарилди. Ўқувчиларнинг эркин фаолиятини баҳолашда, уларнинг ижодкорлиги, қўшимча адабиётлар билан ишлаши, кўргазмали қуроллар ясаб келишига алоҳида эътибор берилди. Маърузалари, рефератлари, кўрик-танловлар ва олимпиадалардаги иштироки ҳам муносиб баҳоланди. Шунингдек, ўқувчининг оралиқ назоратлар ва ёзма ишлар кўпинча тест синовлари шаклида ўтказилиб, ҳар чорак охирида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари ёзма ишлар, кўпинча тест синовлари шаклида ўтказилиб, якуний назорат аниқланди. Ўқувчиларнинг чоракда эришган рейтингини акс эттириш учун туман мактабларида ҳар бир синф учун алоҳида «Рейтинг ойнаси» чиқарилган.

Мактаб раҳбарлари ва фан ўқитувчилари билан ўтказилган суҳбатлар шуни кўрсатадики, рейтинг тизимини жорий этиш натижасида, ўқувчиларнинг дарслардаги фаоллиги, мустақил ишлаш савиясининг ошганлиги, ижодий изланишлари учун қулай шароитларнинг вужудга келиши, ўқишга бўлган муносабатларнинг тубдан ўзгариши ва бошқа жиҳатлари яққол кўзга ташланмоқда. Туманда рейтинг тизимини жорий қилиш учун қулай шароитларни яратиш борасида Жомбой туман ХТБ мудири О.Холжигитов алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Масалан, тумандаги 56 та мактабнинг 23 тасида компьютер синфлари мавжуд бўлиб, туман мактабларини тугатган ўқувчиларнинг кўпчилиги олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари бўлишмоқда. Жумладан: 1994 йилда 100 нафар, 1995 йилда 112 нафар, 1996 йилда 124 нафар, 1997 йилда 138 нафар ва 1998 йилда эса 176 нафар жомбойлик ўғил-қизлар Республика олий ўқув юртларига киришди.

Шунингдек, туман ўқувчи ёшлари орасида 12 нафари Республика «Истеъдод» Маркази томонидан ўтказилган психологик танловда ғолиб, деб топилган бўлиб, улар Самарқанд шаҳридаги академик лицейга ўқишга қабул қилинган.

Тумандаги 28-ўрта мактабнинг собиқ ўқувчиси Ҳайрулла Ҳамидов кимё фанидан ўзбек тилида ўтказилган Евроосиё олимпиадасининг мутлоқ ғолиби бўлганлиги, айниқса, қувонарлидир.

Жомбой мактабларида таҳсил олиб, ўқишни Америка Қўшма Штатларидаги университетларда давом эттираётган Нилуфар Раҳмонқулова, Зафар Аллабоев, Салим Ортиқов ва Ғолиб Холжигитовлар, Германия университетида Ислом Холмуродов ва Наргиза Ғофуровалар, Буюк Британия университетида Машраб Бердиқулова ва бошқалар туманимиз фахридир. Ўқувчиларнинг бундай юқори даражадаги билим эгаси бўлиши 51- мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Ҳафиза Раҳматова, 28-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Даврон Ғаниев, 21-мактабнинг география фани ўқитувчиси Турсуной Хуррамова, 2-мактабнинг француз тили ўқитувчиси Зокир Мирзақобулов, 29-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Шаҳодат Ғаффорова, туман футбол мактабининг мураббийси Асрор Аноров ва бошқаларнинг заҳматли меҳнатларининг мевалари ҳамдир.

Нурилло СИРОЖЕВ,
Самарқанд ВХТХМОИ мактабни бошқариш кафедраси мудири

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 311-мактаб қошида ташкил этилган «Бўстон» соғломлаштириш оромгоҳида бошланғич синф ўқувчиларининг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Оромгоҳида ҳар сменада 100 нафардан бола дам олишмоқда. Бу ерда ташкил этилган 12 тўгаракнинг турли машғулотлари, шаҳар бўйлаб ва табиат қўйнига уюштириладиган саёҳатлар, спорт мусобақалари, конкурслар бир дақиқа бўлса-да болаларни зериктириб қўймайди.

Суратларда: Оромгоҳ ҳаётининг ҳар они завқли.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Tadbir

БОҒДА «МАҲАЛЛА КУНИ»

Соя-салқин боғ. Бир томонда сунъий кўл мавжланиб турибди. Яхна ичимлик, ширинлик расталари, музқаймоқни-ку қўяверинг...

Арғимчоқ ва аттракционлар эса болажонларга текин.

Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида анъанавий «Маҳалла куни». Ҳозирликларнинг барчаси шу тадбир учун эди.

Тошкент шаҳридаги мавжуд 475 та маҳалла 11 та туманга бирлашган бўлиб, уларни ҳар қандай ишга қодир деб эътироф этиш мумкин.

«Маҳалла куни» бир нечта йўналишларни ўз ичига олди: «Намунали маҳалла», «Намунали маҳалла хотин-қизлар кенгаши», «Маҳалланинг энг тадбиркор аёли», «Энг ибратли келинчак».

Аввало маҳалла миқёсида ўтказилган танловларда ғолиб деб топилганлар бугун бу ерга ҳам таклиф этилишди. Шуниси диққатга сазоворки, 11 та туман ҳам бир-биридан асло қолишгани йўқ. Шу боис улар орасидан ғолибни топиш қийин бўлди. Демак, ҳаммани ғолиб ва намунали дея тан олинди.

«Маҳалла куни» тадбирида хусусий корхоналарнинг, тадбиркор аёлларнинг, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг ижодларидан намуналар намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Акромов, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимовалар «Маҳалла куни» тадбирида қатнашиб, 11 та туманнинг барча намунали маҳалла ва хотин-қизлар кенгашларига, тадбиркор аёлларига ва ибратли келинларига эсдалик совғаларини олқишлар остида топширишди.

«Маҳалла куни» аёллар йилига бағишланган шукуҳли тадбирлардан бири бўлди.

МУХБИРИМИЗ

У КУНЛАР ЁДИ

Ёз фаслининг ойдин кунларида бир шум хабар қишлоққа яшин тезлигида тарқалди. Уруш бошланибди. Ҳамманинг оғзида шу гап. Айниқса, бу хабар укасининг бугун эрта армиядан қайтишини интиқ кутаётган Гулзор холани гангитиб қўйди. У нуқул: «Вой, энди нима қилдим, ё, худо, ота-онамдан қолган ёлғизгина ёдгорим—укамдан айрилиб қолсам-а», — дея бир гапни қайтарар, кўзидан оқаётган қайноқ ёши юзини юварди...

... Ғаллага ўроқ тушди. Қишлоқда эркаклар сийраклашиб қолди. Ўрим-йиғим ишлари чоллар, хотин-қизлар ва болалар зиммасига тушди. Кунора қишлоқ хонадонларида йиғи-сиғи. Азадор оилалар сони кундан-кун ошарди. Фалончининг уйига қора хат келибди. Фалончидан ҳам қора хат келибди... Бу гап-сўзлар Гулзор холанинг юрак-бағрини эзар эди. Ана шундай таҳликали қора кунлар ойга, ой эса йилларга айланди. Қанча хонадонлар аза очиб, кўк кийдилар. Қирқ йил қирон келса ҳам ажали етган ўлади. Умри узун эканми, Ёвқочди уйига соғ-омон қайтиб келди. Опаси Гулзор холанинг орзулари ушалди. Ўзи кўз остига олиб юрган қизини келин қилди...

Ёвқочди Ҳамроев яна ўз қадрдон мактабига қайтди. Болаларга математика ва физика фанидан дарс бера бошлади.

— Раҳматли домлага ҳамма ҳавас қиларди, — деб эслайди қишлоқдошларидан бири, меҳнат фахрийси Бешим бобо Тойиров. – Бизларнинг тонгдан шомгача қўлимиздан кетмон тушмаса ҳам колхоз берган иш ҳақи ва буғдой қора қозонимизни қайнатишга зўрға етарди. Ёвқочди оға эса ўқитувчи, мактаб директори, колхоз фирқаси котиби сифатида ҳақ оларди. Биз у кишини кўрганимизда ўқимаганимизга афсусланардик...

— Раҳматли дўстим, Ёвқочди билан мен Бухородаги икки йиллик ўқитувчилар тайёрлаш олий курсини тугатиб, у физикадан, мен кимё-биологиядан дарс бера бошладик, — дея биз билан ўз хотирасини баҳам кўраётган фахрийси, кекса бобо Расулов. — Бизлар 1938 йил-нинг охирида армияга кетдик. Биз алоҳида хизмат қилган бўлсак ҳам хат-хабар орқали бир-биримиздан бохабар бўлиб турдик. Бугун, эрта хизматимиз тугай деб турган вақтда уруш бошланиб қолди. Мана шу уруш туфайли биз қўлда қурол билан Европани етти йил кездик.

Xotira

— Мен ҳам ўқувчилигимда физика ва математика фанидан сабоқни раҳматли домладан олганман. Ёвқочди бобо бизга она томонидан тоға бўлгани учун у кишини ўзимизга қариндош санардик. У кишининг изидан бориб қариндошларнинг ҳаммаси математика ва физика фанлари бўйича ўқишга кирдилар.

Мен эса аксинча йўл тутдим. ТошДУга келиб, журналистика факультетига ўқишга кирдим. 1973 йилнинг август ойининг охирлари эди, ўшанда. Конкурсдан ўтиб, бир олам қувонч билан қишлоққа келдим.

Кечқурун ҳовлимизда овози бутун қишлоққа таниш «ИЖ-49» русумли мотоциклнинг пат-патлаб тўхтагани эшитилди. Шошиб ҳовлига чиқдим. Ёвқочди тоға мени табриклашга келган эканлар. Салом-аликни ҳам тугатмай, «Қайси ўқишга кирдинг?» — дея сўрадилар. «Журналистикага!» Жавобим у кишига ёқмади, чоғи — «Бизнинг қадимий анъанани бузибсан, жиян! Ҳай, майли қишлоғимиздан ўз журналистимиз чиқса, унинг савобига ким етибди».

... 1981 йилнинг кеч кузи эди. Ярим тунда уйга хабар келди. «Домланинг мазаси қочибди». Бордик. Қазойи ҳақ экан. Ёвқочди Ҳамроевни қишлоқ аҳли ҳурмат билан сўнгги йўлга кузатди. Ўша вақтлари мен туман газетасида масъул котиб эдим. Домланинг яна бир ўқувчиси, газетамиз муҳаррири Юсуф Сиддиқов билан иккаламиз келишиб домланинг сурати билан шогирдлари ёдномасини бердик. Эртасига бизни туман фирқа қўмитасининг биринчи котиби чақириб сиёсий саводсизликда айблаб, «ким»ларни ёзиш ҳақида тушунтирди. Сурат билан ёднома таъзияси фақат «райкомнинг бюро аъзолари ўлса берилади» деб бизни роса койиб кетди. Лекин у кишининг хизматлари биз ўқувчи-шогирдлари учун ҳар қандай бюро аъзосидан баланд ва қадрли эди. Мана домланинг раҳматли бўлганига ҳам 18 йил тўлибди. Лекин Муборакда одамлар даврасида математика ва физика фанидан гап очилса, дарров у киши эсланади. Вақт оқар сув. Дунё фоний. Умр бевафо. Лекин ҳалол виждон билан элга қилинган хизмат эса боқийдир.

Очил ТОҲИРОВ,
журналист

Avgust kengashlari oldidan

ҒАЗАЛ СОҒИНЧИ

Ғазал мумтоз адабиётимизда энг кўп тарқалган шеърият жанридир. Ҳозирги кунда ўрта мактаблар учун тузилган адабиёт дастурларида мумтоз адабиётимиз дурдоналарига кенг ўрин берилмоқда. Ўқувчилар V синфданоқ бундай матнлар юзасидан тушунчага, оз бўлса-да бошланғич назарий маълумотга эга бўла борадилар. Юқори синфларга ўтган сари матн ичига чуқурроқ кириб бориш, уларни шарҳлаш, таҳлил қилиш, ғояси билан танишиш талаб қилинади. Бу эса тил ва адабиёт ўқитувчисидан етук билим ва малакани устозлик маҳоратини талаб қилади.

Биз узоқ йилдан бери мактабда тил-адабиёт фанидан дарс берамиз. 7-,8-, 9- синфларнинг адабиёт дастурлари асосан, мумтоз лирика намуналаридан ташкил топганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу синфларда дарс бераётган ўқитувчи аруз назариясини пухта билиши керак. Баъзан адабиёт ўқитувчиларидан «Аруз назарияси бўйича керакли қўлланмалар йўқ, шунинг учун мумтоз адабиётни ўтишга қийналаман» қабилидаги гапларни эшитиб қоламиз. Бизнингча, қўлланмалар етарли бўлмаслиги мумкин, аммо боридан унумли фойдаланиш керак. А.Ҳожиаҳмедовнинг «Мактабда аруз вазнини ўрганиш», адабиётшунос олимларнинг А.Навоий ғазалларига берилган шарҳларни тўплаган «Ғазаллар, шарҳлар» тўплами, «Камол эт касбким...» қитъалар шарҳи берилган мажмуа, «Шеър илми», «Мумтоз қофия ва бадиий санъатлар» қўлланмалари адабиёт ўқитувчилари учун муҳим манба ҳисобланади. Биз дарсда шеърий матнларни таҳлил қилганда, асосан қуйидагиларга амал қиламиз. Шеър матни устида ишлаганда унинг ғоявий - бадиий хусусиятларини аниқлаб олиш, вазни, луғатини, байтларнинг насрий баёни, шеърнинг мавзуси, ғоявий мазмуни, тимсоллари кабиларни қамраб олиш керак. Қуйида биз ўз тажрибамизда синовдан ўтказган ва ўқувчиларга ижобий натижа берган IX синф дарслигидаги Атойнинг «Жамолинг васфи...» деб бошланувчи ғазали таҳлилини тавсия этамиз.

Жамолинг васфини қилдим
чаманда,
Қизорди гул уёттин анжуманда.
Таманно қилгали лаълингни
кўнглум,
Киши билмас ониким қолди қанда.
Чу жонимдан азиз жонона сенсен,
Керакмас жон менга сенсиз
баданда.
Манго ул дунёда жаннат не ҳожат,
Эшигинг тупроғи басдур кафанда.
Солиб борма мени, эй Юсуфи ҳусн,
Букун Яъқубтек байтул ҳазанда.
Узун сочингдин узмасмен
кўнгулни,
Аёғинг қанда бўлса бошим анда.
Тилар эл мансаби олий ва лекин,
Атойи сарви озодингга банда.

Матн ўқитувчи томонидан аруз вазни талабларига риоя қилиб, ифодали ўқиб берилади.

Маълумки, аруз вазни ҳижоларнинг чўзиқ-қисқалигига асосланади. Чўзиқ-қисқа бўғинларнинг бирикувидан рукнлар, рукнларнинг турли тартибда бирикиб, такрорланишидан эса баҳрлар — аруз вазнидаги шеърий ўлчовларнинг асосий турлари ҳосил бўлади.

Ғазал қуйидаги тартибда рукнларга ажратилади.

Жа-мо-линг вас-фи-ни қил-дим
ча-ман-да,
Қи-зор-ди гул-у-ёт-тин ан-жу-ман-да.

Демак, ғазал мисралари мафоийлун рукнининг такроридан ҳосил бўлган экан.

Бундан кўринадики, ғазал ҳазаж баҳрида яратилган бўлиб, тўлиқ номланиши ҳазажи мусаддаси маҳзуфдир. Асар осон ва енгил ўқилади.

Қофияланиши а-а, б-а, в-а... тарзида.

Ғазал матнини ўқир эканмиз, унда араб ва форс-тожик тилига мансуб сўзларни учратамиз. Матнни тушуниш учун биз ҳар бир сўзнинг маъносини, изоҳини билишимиз муҳим. Бунинг учун бизга луғатлар қўл келади. Демак, дарсликдан ва луғатдан фойдаланиб, сўзларнинг изоҳини топамиз.

Жамол – юз
васф – таъриф
уёт – уят
анжуман – йиғилиш
таманно – орзу
қанда — қайда, қаерда
байт – уй
хазон — ғам (ғам уйи)
сарв-тик ўсувчи дарахт (маъшуқанинг чиройли, тик қомати)

Энди луғат ёрдамида матнни насрий баёнга айлантирамиз.

Юзинг таърифини гуллар анжуманида таърифлаган эдим, гул уялганидан қизариб кетди.

Лаъли лабингни кўнглим орзу
қилган эди,
аммо бу орзу қаерда қолиб
кеттанини киши билмайди

Сен менинг жонимдан ҳам азиз
жононамсан
Сенсиз менга жон керакмас

Менга у дунёда жаннат керак эмас, кафанимда эшигинг тупроғи бўлса етади.

Эй, Юсуфи ҳусн (гўзалликда ягона пайғамбар)

Мени Яъқубдек ғам уйига бошлаб борма.

Сенинг узун сочларингдан кўнглимни узолмайман, оёғинг қаерда бўлса, бошим ўша ердадир.

Эл менга олий мансаб тилади, мени кўкларга кўтаради, лекин Атойи сенинг баланд қаддингга бандадир, ошиқдир.

Атойининг ушбу ғазали ишқий мавзуда ёзилган бўлиб, унда ошиқнинг ёрига берган таъриф-тавсифи баён этилади. Ғазал воқеабанд усулда яратилган бўлиб, матлаъдан бошланган таъриф мақтаъгача давом эттирилади. Ошиқ маъшуқасини қанча таърифламасин, уни гулларга менгзамасин, жонидан ҳам ортиқ кўрмасин, ёри унинг бу таъриф-таҳсинларига лоқайд. Ошиқнинг ёр лаъли лабини орзу қилган илтижолари жавобсиз қолди. Ёр уни ғам уйига бошлайди, уни ҳижрон азобида изтироб чекишга мажбур этади. Аммо ошиқ ёридан воз кечолмайди. Майли, у ёрининг оёқларига ҳар доим бош урсин, чунки ундан, унинг тундек қаро сочларидан кўнгил узолмайди. Майли, унга элнинг олий мансаби бўлмасин, у ёрига етишиши учун унга қул бўлишга ҳам рози.

Биз шу тариқа бир-икки ғазални ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилсак, кейинги ғазалларни ўқувчиларнинг ўзлари таҳлил қилишга қизиқиб, ҳаракат қилишади. Умуман, ўқувчиларга ғазаллар таҳлилини ўргатиш уларга икки томонлама фойдали бўлади. Биринчидан, ўқувчиларда мумтоз лирикага нисбатан меҳр ошади, уларнинг қалбида завқ-шавқ туйғулари пайдо бўлади. Ўқувчилар бизнинг ёрдамимизда ғазал матнини ўқисинлар, мағзини чақсинлар, уларда асарга сингдирилган мазмун юзасидан тасаввур ҳосил бўлсин.

Иккинчидан, ўқувчилар ғазал матнини ўқиш жараёнида ифодали ўқиш малакасига эга бўла борадилар. Луғат билан танишиш ёрдамида уларнинг сўз бойлиги ошади, насрий баёнга айлантирилганда нутқ малакалари, сўз танлаш ва уни ўз ўрнида ишлатиш кўникмалари ошади. Натижада ўқувчида ғазал соғинчи пайдо бўлади.

Хуллас, биз адабиёт ўқитувчилари, ҳар бир асарга санъат намунаси сифатида қарашимиз ва буни ўқувчилар онгига сингдира олишимиз керак. Зеро, мумтоз адабиёт бир кўприк. Биз бу кўприк орқали халқимиз, ота-боболаримиз ўтмиши, урф-одатлари, тили, сўз бойлиги ҳақида мукаммал маълумотга эга бўламиз.

Феруза АВЕЗОВА,
Касби туманидаги лицей-интернатнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси
Асрор ҚИЛИЧЕВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

ОТАНИНГ «ҚЎЛИ»НИ ОЛИШ

Dil izhori

Ёзнинг тиниқ кечалари осмонга қараб, юлдуз санаб ётардик.

– Ана менинг юлдузим, қаранг, — дерди Аҳрор— энг каттаси дадамники, ёнидаги аямники. Суҳбатимизга қулоқ тутиб ётган дадам маъюс кулиб қўярди. Осмонда эса катта-кичик юлдузлар бир ёниб, бир ўчар, ниманидир бизга уқтираётгандай жимирларди.

Биз катта орзулар қанотида учиб юрар, гўё энг бахтли одамлар эдик.

Мана умидли юрагимиз яраланганига ҳам ўн йил тўлди. Ҳар йили апрель ойида оиламиз жам бўлиб, дадажонимизни эсга оламиз. Бу кеча у киши ҳаётлигидагидек шоду хуррамлик билан ўтмайди. Уйга, ўғилларининг туғилган кунига келган катта отам ва момом «Бўлди йиғламанглар!» дейишадию, ўзлари биздан ҳам ўтиб тушишади. Дадам билан ўтган бахтли кунларимизни эслаймиз, унинг гапларини, шиоримизга айланган ўгиту насиҳатларини хотирлаймиз.

... Ўшанда Сайёра эндигина бир ёшга қадам қўйганди. Сизни ҳатто эслолмайди ҳам, Сиз ҳақингизда ҳеч нарса билмасди. Биринчи синфга борган куниёқ у йиғлаб келди-ю, «Ая, менинг дадам қаерда, ҳаммани дадаси бор» — дея аямга ёпишди. Аям қай аҳволга тушгани менга аён... Баъзида бир-биримиз билан тортишиб қолганимизда, аям бошқа уйга ўтиб кетарди-да, осиғлиқ турган дадамнинг суратига қараб ҳаётнинг бешафқатлигидан нолирди. Начора, ўлим ҳақ. Дадам ўнта қорақўзни зор йиғлатиб кетган эди...

Вояга етиб улгурмаганмиз. Бизни боқиб катта қилиш, ўқитиш, уйли-жойли қилиш аямнинг зиммасига тушди. Ҳатто қанотидан айрилган парвоз қила олмасдан-тоқат, қуш ҳам кўкка мас экан. Аям бардош билан отамнинг ўгитларини бизга сингдирди. Акам Иззатилло унга таянч. Эндигина тўққизинчи синфни тугатган акам оила бошлиғига айланди. Ота меҳри бўлакча экан. Эслайман, кундаликларимиздаги «5» баҳони кўриб дадам хурсанд бўлар, «Болаларим яхши ўқинглар, ўқиган, билим эгаллаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди» дердилар у киши. Мана, орадан йиллар ўтиб, олий ўқув юртларига кирдик. Отамиз йўлидан бориб, 6 нафаримиз ўқитувчилик касбини танладик. У кишининг ишларини давом эттириш ниятидамиз. Талабаликнинг илк таҳсили, муаллимликнинг ҳаяжонли илк соатида хотирамизга бир умр муҳрланиб қолган отамизнинг ёрқин сиймоси келаверади... Қанийди, ёруғ кунларимизда у киши биз билан бирга бўлса...

Дарвоқе, отам Неъматилло Боймуродов 24 йил давомида Каттақўрғон туманидаги 28,61-ўрта мактабларда ёш авлодга рус тилидан сабоқ берган эдилар. 1989 йилнинг 27 февралида биз у киши билан абадий видолашдик. Мана, орадан 10 йил ўтди. Еру осмон ўша-ўша. Биз жужуқлар эса улғайдик. Ўқтин-ўқтин отам ҳақида эслайман. У кишининг «қўли»ни олган биз фарзандлари фотиҳага қўл очамиз: «Падари бузрукворимизнинг жойлари жаннатдан бўлсин!»

Мирали БОЙМУРОДОВ,
Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек тили ва адабиёти факультети II -курс талабаси.

ИШ БИРЛИГИ — ДИЛ БИРЛИГИ

Шу йилнинг 13 август куни Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети олмон тили факультети биносида Гёте институтининг мамлакатимиздаги бўлими ташаббуси билан илмий семинар ўтказилди. Семинарда Халқ таълими вазирлигидан умумий ўрта таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.Пўлатов, умумий ўрта таълим бош бошқармаси бош мутахассиси Д.А.Ли, вилоятлардан ХТБ ҳамда малака ошириш институтида раҳбарлар қатнашдилар. Йиғилишда асосан Гёте институти услубчи мутахассиси Доктор Елизабет Латтаро ҳамда унинг ёрдамчиси Людмила Ульянова маърузалари тингланди. Маърузаларда Гёте институтининг олиб бораётган ишлари тўғрисида; «Мультипликатор услубчиларини ўқитиш» лойиҳаси вазифалари ва мақсадлари ҳамда шу лойиҳа асосида институтнинг вилоятлар ХТБ ва малака ошириш институтлари билан ҳамкорлиги тўғрисида сўз юритилди. Тадбирда шунингдек, олмон ва ўзбек услубчи ўқитувчилари ҳамкорлигида 5-синфлар учун янгича услубда тайёрланган янги немис тили дарслигига оид мунозара ҳам бўлиб ўтди.

Мажлис сўнггида немис тили ўқитувчилари малакасини янада ошириш тўғрисида сўзлар экан, Гёте институти ходимлари «Дарсда-мактабда ўқувчи шоҳ, ўқитувчи эса унинг ёрдамчиси бўлмоғи керак » деб таъкидладилар. Кунининг иккинчи ярмида семинар ўз ишини қизғин давом эттирди. Унда мамлакатимизда Олмон тили ўқитишда Гёте институти билан маҳаллий мутахассислар иш бирлигига катта эътибор бериш кўзланган мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутиши эътироф этилди.

Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

BAYROQDOR LAZIZ

Lazizbek Zokirov 1976 yil 3 sentyabrda Jizzax tumanida tug'ilgan. Boks bo'yicha Jahon kubogi g'olibi. «O'zbekiston iftixori» Faxriy unvoni bilan mukofotlangan.

Toshkentdagi Astronomiya ilmiy-tekshirish instituti bog'idagi uylardan birida Mamajon aka oilasi ham istiqomat qilardi. Lazizbek bolaligidan dadasiga ergashib, institut bog'iga tez-tez kirardi. U teleskopda yulduzlarni, sayyoralar kuzatishni yaxshi ko'rardi. Ayniqsa, unga boshqa yulduzlardan ajralib turadigan , oq gardishli Zuhal (Saturn) sayyorasi yoqardi. Uning tasavvurida sayyora oq bayrog'ini hilpiratib, uchib borayotgandek tuyulardi.

Mamajon aka olimlik unvonini olgach, o'zi tug'ilib o'sgan Jizzax tumanidagi Nurli quyosh qishlog'iga ko'chib keldi. Lazizbek qishloqdagi 36-maktabda o'qiy boshladi.

Lazizbek bolaligida ko'p kasal bo'lgandi. Dadasi o'g'lim sog'lom o'ssin deb, uni 10 yoshida akasi Ulug'bek bilan maktabdagi boks to'garagiga olib bordi. Jismoniy mashg'ulotlar Lazizbekning bo'yiga bo'y, kuchiga kuch qo'shdi.

Tengdoshlari orasida kuchli bo'lgani uchun uni Jizzaxda o'tkazilgan viloyat birinchiligiga jo'natishdi. Lazizbek musobaqada g'olib chiqib, tomoshaga kelgan dadasi va oyisini xursand qildi. Dadasi shunda unga: «Hali sen jahon chempioni, olimpiada chempioni bo'lasan», - deb aytdi va uni boks bilan jiddiy shug'ullanishga rag'batlantirib bordi. Shu bois ham uni Jizzaxdagi boks klubiga olib kelib, hozirgi murabbiysi Sharof Xudoyberdiyev qo'liga topshirdi.

Boks zali uydan 14 - 15 kilometr uzoqlikda bo'lgani uchun Lazizbek mashg'ulotlarga har kuni yugurib kelib, ketardi. Ko'pincha, mashg'ulotlarga kechikmayin deb, dam olmasdan yugurardi. Bu yuragiga og'riq berdi. Lazizbek hali haddan ziyod jismoniy mashg'ulotlar bilan shug'ullanish sog'likka zarar ekanini bilmasdi-da. Shundan keyin murabbiysi unga qancha yugurish, qanday mashqlar qilish kerakligini belgilab berdi. Ustozi maslahatlariga to'liq rioya qilgan Lazizbek yana ilgarigiday kuchli bo'lib oldi. Musobaqalarga qatnashib g'olib chiqdi.

U, men bokschi bo'ldim, musobaqalarda g'olib chiqyapman, deb o'qishlarini o'z holiga tashlab qo'ymadi.

Barcha fanlardan «a'lo» baholarga o'qidi. Matematika o'qituvchisi esa uning qiyin mashqlarni bir zumda echishini barchaga faxrlanib so'zlardi. Lazizbek o'qituvchilari ishonchini oqlab, maktabni kumush medal bilan tugatdi va Jizzax davlat pedagogika institutiga o'qishga kirdi.

Boksning og'ir vaznida qatnashish qiyin. Chunki og'irligi 91 kilogrammdan ortiq bokschilarning zarbasi kuchli bo'lib, omonat devorlarni ham qulata oladi. Shu bois «Jang» davomidagi bitta xato ham o'yin taqdirini hal qiladi. Lazizbek ana shu vaznda boksga tushadi.

Bu vaznda yurtimizdan kuchli bokschilar chiqmagani uchun avvaliga ko'pchilik Lazizbekning imkoniyatiga ishonishmadi. U 1995 yilda bo'lgan Osiyo chempionatida kumush medal olib, mutaxassislar va ustozlar ishonchini oqladi. Lazizbek mamlakatimiz terma jamoasi safiga chaqirildi. Tajribali murabbiylar qo'l ostida yetakchi bokschilar bilan birga shug'ullanish uning mahorati oshishiga katta ko'mak berdi.

Endilikda u qatnashgan musobaqalardan sovrin olmasdan qaytmaydigan bo'ldi. Markaziy Osiyo o'yinlarida chempionlikni qo'lga kiritdi. Osiyo chempionatida bronza medalini oldi. Yirik xalqaro musobaqalarda g'olib chiqdi. Bu Lazizbekka jahon kubogi musobaqasida qatnashish huquqini berdi.

U Xitoyda bo'lgan jahon kubogida dunyoning eng kuchli sportchilarini yengdi. Oxirgi uchrashuvda esa, xitoylik mashhur bokschini mag'lubiyatga uchratib, Jahon kubogi sohibi bo'ldi.

Yirik musobaqalarda eng kuchli sportchilar davlat bayroqlarini ko'tarib maydonga kirib kelishadi. 13 - Osiyo o'yinlarida Lazizbek Zokirov Vatanimiz bayrog'ini ko'tarib maydonga tushdi. Sportchilar safida mamlakatimiz bayrog'ini dadil tutib kelayotgan Laziz shu lahzalarda o'zi sevgan - samoda oppoq bayrog'ini hilpiratib uchayotgan Zuhal sayyorasiga juda o'xshardi.

Lazizbekning niyatlari katta. 2000 yilda Sidney shahrida o'tkaziladigan jahon olimpiadasida ham vatanimiz bayrog'ini maydonga ko'tarib kirmoqchi. Shu olimpiadada dadasi orzu qilganday chempion bo'lmoqchi. U ezgu niyatlari faqat muntazam mashqlar tufayli qo'lga kirishini yaxshi biladi. Omad senga yor bo'lsin, Lazizbek!

«O'zbekiston iftixorlari» To'plamidan olindi

ЎҚИТУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

Ота-онанга қанчалик азиз бўлсанг, халқингга, Ватанингга шунчалик кераксан. Шундай экан, улар олдидаги фарзандлик бурчингни аъло даражада бажаришинг учун кўп ўқишинг ва яна ўқишинг керак.

* * *

Ўзингдаги қобилиятни тўғри баҳолай бил ва бошқаларни ҳам тўғри баҳолашлари учун қобилиятинг натижалари билан баҳраманд қил.

* * *

Нонни эъзозла, китобни эса нондай азиз бил, чунки нон сенинг ҳаракатингни таъминласа, китоб фақат инсонлигингни белгилабгина қолмай, балки қадрингни улуғлаб, номингни абадийлаштириши мумкин.

* * *

Ўқитувчи ҳар бир ўқувчисига ўзининг фарзандидек меҳр қўйсагина, ўта қийин вазифасини шараф билан бажариб бора олади.

Кароматулла ЗИЁҚУЛОВ,
Дўстлик тумани Шароф Рашидов номидаги 16-мактаб раҳбари

Xullas...

ЎҚИТУВЧИ ТАЖРИБА ЎТКАЗАДИ

Ҳар кимнинг ўз қизиқиши бор. Кимдир марка йиғади, биров танга, ҳаттоки пиво бутилкасига ёпиштирилган ёрлиқни тўпловчилар ҳам бор. Еласовск ҳунар-техника билим юртининг ўқитувчиси Лидия Палутова илдиз мевали экинларга қизиқади.

Лидия хола илдизмевали экинлар устида мичуринчасига тажриба ўтказиб, қўни-қўшниларини ҳайратда қолдирмоқда. Бир нечта нўхат донасидек катталикдаги картошкадан, нақ бир челак пиёладай-пиёладай ҳосил олса-я:

10 йилдирки, Лидия Палутова уруғчилик билан шуғулланади. Гўёки бу унинг иккинчи касбига айланди. Аммо у ўз «тажриба станция»сидаги «сир»ларни ҳеч кимга айтмайди. Ўзи эса эрта баҳордан кеч кузга қадар экинзорда.

Селекционернинг «бисотида»ги картошка навлари 50 тага етиб қолди. Ва бу кавлар рўйхати, ҳосилдорлик даражаси хусусида картошкачилик илмий-текшириш институтига маълумотнома топширди.

КЎЗ ОЧИБ ЮМГУНЧА...

Бизда улоқ, яъни кўпкари ўйини бор. Улоқни кимда-ким маррага келтирса, соврин шунда кетади.

Канада мамлакатида, аниқроғи, Альберт қишлоғида сигирлар иштирокида ўтказиладиган икки кунлик мусобақага якун ясалди. Мусобақа шарти — ғолибликка даъвогар хотин-қизлар бир неча лаҳзанинг ичида сигир устига миниб, маррага етиб келишлари керак. Қатнашувчиларнинг ёши чекланмаган: 6 ёшдан 70-80 ёшгача.

Хакна Махлин кўз очиб юмгунча сигир устига миниб, маррага етиб келди. Бор-йўғи 8 дақиқада...

МЕҲР-ШАФҚАТ УСТУН КЕЛДИ

Саёҳат — танга роҳат. Айниқса, дала ҳовлинг бўлса, ҳеч қандай курортнинг ҳожати йўқ.

Белгородлик бир киши машинаси билан дала ҳовлига йўл олди. Халақит бермасин, дея мушугини машина багажига қўйди. Дам олаётганингда мушук ҳам яхши эрмак-да...

ДАН ходимлари йўлда машинани тўхтатишди. Ажабо, «миёв, миёв» деган товуш қаердан чиқаяпти?

Милиционер багажни очди: мушукча. Шўрлик бензин ҳидидан димиқиб, ўзини қаерга қўйишни билмай турган экан. Кутилмаганда жонвор нажот истаб, йўл транспорти хизматчисининг қўксига отилди. Инспектор ийиб кетиб, жазо тайинлашни лозим кўрмади. Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди.

Машина эгаси ва мушуги қўйиб юборилди.

ana shunaqa gaplar...

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, педагогик ходимлар малакасини ошириш институти маъмурияти ва жамоаси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси, педагогик ходимлар малакасини ошириш институтининг проректори Васила Бобожоновага падари бузруквори

Эргаш ота МУҲАМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Sport maydonchasi

ТУРНИР ҒОЛИБИ, «НАСАФ»

Қарши шаҳрида футбол бўйича бундан 20 йил муқаддам самода сўнган юлдузлар— «Пахтакор—79» хотира турнирининг финал мусобақаси бўлиб ўтди. Унда «Насаф» жамоаси «Сўғдиёна» жамоаси устидан 4:2 ҳисобида устун келди.

МЎЛЖАЛДА МЮНХЕН

24 - 29 август кунлари Германиянинг Мюнхен шаҳрида мерганлик бўйича «Жаҳон кубоғи» мусобақалари бўлиб ўтади. Бу йирик турнирда юртимиз шарафини истеъдодли спортчимиз Дилшод Мухторов ҳимоя қилишга бел боғлаган.

БОШЛАНИШИ ЁМОН ЭМАС

Европа «Чемпионлар лигаси»га ўтиш турнири 3-раундининг дастлабки беллашувлари бўлиб ўтди. Унда юртимиз футбол мухлисларига яхши таниш бўлган Киевнинг «Динамо» жамоаси сафарда Данияниинг «Ольборг» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этган бўлса, Москва «Спартак»чилари ўз уйларида Югославия «Партизан»ларини 2:0 ҳисобида «сийлашди».

КАТТА МАЙДОНДАГИ БЕЛЛАШУВЛАР

АҚШнинг Цинцината шаҳрида мукофот миқдори 2200000 доллар (АҚШ)га тенг бўлган йирик теннис мусобақаси шиддатли курашлар майдонига айланди. Чунки бу мусобақа теннисчиларга катта бойлик келтириш билан бир вақтда, уларнинг йил якуни бўйича рейтинг жадвалидаги ўринларига ҳам анча аниқлик киритади.

ЖЧ - 2002 ЎТКАЗИЛМАЙДИ(МИ?)

Осиёга қасдма-қасд Европа футбол ассоциацияси ҳам агар 2002 йилги жаҳон чемпионати доимий вақти: июнь - июль ойларида ўтказилмаса мусобақаларда қатнашмаймиз, дея ғалва кўтаришяпти. Маълумки, ФИФА ёзнинг ўртасида Корея ва Японияда ёмғир мавсуми эканлигини ҳисобга олиб чемпионатни 23 майда бошлашга қарор қилганди. Бу пайтда эса Европада миллий биринчиликлар айни қизиган бўлади.

QUTLOV

Ҳурматли Қувониш ЖАЙЛАУБАЕВ!

Сизнинг таълим-тарбияга бахшида этилган умрингиз мазмунй сабоғингизни олган ҳар бир шогирдингиз камолида ўз аксини кўрсатиб турибди. Олтмишинчи баҳорингизни қаршилаб турган ушбу онларда Сизга янада куч-ғайрат, соғлиқ, саломатлик тилаймиз!

Янгийўл туман халқ таълими бўлими ва 47-мактаб жамоаси.

ВИЛОЯТ, ТУМАН (ШАҲАР) ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАЛАРИ, БЎЛИМЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Маънавият» нашриёти халқимизнинг маънавий мероси дурдоналарига дахлдор китобларни чиқариш баробарида бевосита академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синфлари учун ўқув фанларидан кўргазмали қуроллар тайёрлаб сотувга чиқарди. Жумладан, физика (18 кўринишда), химия (12 кўринишда), она тили ва адабиёти (22 кўринишда) фанлари мавзуларини ўқувчига пухтароқ етказишга хизмат қиладиган жадваллар, турли чизмалар ва ижод намуналаридан иборат бу ёрдамчи воситалар шу кунларда нашриётда мавжуд. Шунингдек, ўқитувчилар ва ўқувчиларни байрамларда, ўқув йили чораклари якунида рағбатлантириш учун «Фахрий ёрлиқ» ва «Maqtov yorlig'i» ҳам мавжуд. Бу маҳсулотларни сиз «Маънавият» нашриётидан харид қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шодлик кўчаси, 6-уй.
Мўлжал «Боғи эрам» истироҳат боғи.

Тел: 68-24-15, 67-22-14, 67-07-31.

ДИЛСЎЗ

(Ҳикоя)

1999 yil — Ayollar yili

Анвар расм чизаяпти. У бугун қарор қилган қизга расмни беради ва шу баҳонада кўнглини очади. Берилиб чизаётган расмни тугатай деганида ёнига дўсти Баҳодир келди. У бироз расмга тикилиб қолди, сўнг Дилсўзнинг никоҳ маросимидаги ва ўғли билан тушган суратларни унинг олдига қўйди. Анвар суратларга анграйиб тикилиб қолди. Кейин ногоҳ, нарироқда ўзига қараб турган Дилсўзга кўзи тушиб қолди... Бир муддат ўзини йўқотиб қўйди, сўнгра ўзини қўлга олиб, чизган сурати остига ёзди: «Бахтли бўлинг!»

* * *

Дилсўз уйида ўз расмига тикилиб туриб, расм билан гаплашади: «Эҳ, Анваржонни эртароқ учратганимда, қандай яхши бўлар эди, энди эса кеч, сен қиз, энди ширин хаёлларингни йиғиштир, энди сен турмуш қурган фарзандли аёлсан, сен унга лойиқ эмассан». Расм остига Анвар ёзган сўзларни овоз чиқариб ўқийди: - Бахтли бўлинг!

«Эҳ, Анваржон билармикан менинг қанақа бахтли эканлигимни, ҳеч кимга айтмайман, бу ҳамма учун сир бўлиб қолгани маъқул». Уф тортиб ўрнидан туради. Йиғлаётган ўғлини қўлига олиб, бағрига босиб овутмоқчи бўлади. Худди алла айтаётгандай, мунгли, ўкинч овозда: «Бахтим ҳам, тахтим ҳам, сенсан—Умиджон! Анваржон сенга меҳрибон ота бўлиши мумкин, лекин бунга менинг виждоним йўл қўймайди. У уйланмаган, унинг мендан ҳам яхшироқ, турмуш қурмаган қизга уйланишини истайман... Мен сизга бахт тилайман, Анвар ака!» шу сўзларни айтар экан, унинг кўзлари намланди, ўғлини бағрига босиб, уйқуга кетди.

* * *

Амриддин Собирович бошлиқ лавозимида ишлаётган корхонада, Дилсўзнинг онаси Сабоҳат опа бош ҳисобчи бўлиб ишлаб келарди. Дилсўз мактабдан қайтаётганида, албатта онасидан бир хабар олиб кетарди. Дилсўзни кўрганида Амриддин ака оталарча меҳрибонлик билан, «Мана шу қизингиз бошқача, катта бўлса ўзим келин қиламан,» - деб ҳазиллашиб юрарди. Дилсўз улғайиб, мактабни тугатиб пединститутга ўқишга киргач, онасидан хабар олишга имкони бўлмай қолди.

Кунларнинг бирида Амриддин ака унинг ойисига қараб:

— Менинг келиним кўринмай қолди, мабодо сотиб юборган бўлманг! - деди ҳазиллашган бўлиб. Шунда Сабоҳат опа:

— Амриддин ака, қизингиз талаба бўлган, пойтахтда ўқияпти, ҳафтада бир келади, ишхонага келмаётганининг ҳам сабаби шу, — деди. Буни эшитиб, ўғлининг қилиқларидан кўнгли тўлмай юрган Амриддин ака, ўғлимни шу кўҳликкина қизга уйлантирсам, босилиб қолармикан деб, кўнглидаги гапни Сабоҳат опага тўкиб солди:

—Шуҳратим ҳам мана институтни тугатиб, ишга тушиб кетди, ўлимдан бошқасининг вақтида бўлгани маъқул, уларнинг бошини бириктириб қўйсак яхши бўлармиди? - деди.

Қишлоқнинг қизи эмасми, ота-онасининг гапини ҳеч икки қила олмаса-да, Дилсўзнинг жим туриши ойисига ёқмади. «Нима шаҳарга ўқишга бориб битта-яримтасини топиб олдингми, кимсан Амриддин акадек одам сени биттаю-битта ўғилларига сўраяптилар», деб қизини койиган бўлди. Дилсўз ҳам Амриддин акани яхши билар, уларни доим уйдагилар яхши эслашар, тўғри сўз, мард инсон деб, лекин мен кўрмаганман, ўғиллари қанақа экан, оталарига ўхшармикан» деб хавотир олди. Дилсўзнинг хавотири тўғри бўлиб чиқди. Биттаюбитта қизидан кейин роса кутиб- кутиб кўрган фарзандларининг жилови қўлдан кетган эди. Шуҳрат ўғли Умиджон туғилмасиданоқ, Дилсўзни ота-онасининг ёнида қолдириб:

—Ана, ўзларинг тошган келинларинг! - деб эски жазманининг ёнига кетиб қолди.

Ёлғиз қолган Дилсўзга қайнэгачи кун бермагач, Амриддин ака:

—Мен қизим билан набирамни бунақа хўрлатиб қўймайман, —деб икки хоналик уй олиб, уни яхшилаб жиҳозлаб берди. Умиджон бир ёшга етгач, Дилсўз синглиси Мукаррамни олиб келиб, ўқишга жойлаштирди, шундай қилиб ўзи кундузи болага қараса, кечки пайт синглисига Умиджонни қолдирадиган бўлди. Дилсўз ўқишни кечки бўлимга ўтказганида, Анваржон ҳам ҳарбий хизматдан келиб ўқишни давом эттирар эди.

Суратни кўрган Анвар ётоқхонага беркиниб, оғир хаёлга чўмди, бунчалик бахти қаро бўлмаса, 4 ёшда онадан етим қолди, отаси бошқа аёлга уйланди, каптар воқеасидан сўнг отадан ҳам айрилди. Воқеа бундай бўлган эди. Анварнинг онаси ўлгандан сўнг, унинг кўнглини кўтариш мақсадида қўшниси Қосимжон тоғдан бир каптар боласини олиб келиб берди. Каптар боласи билан овуниб қолган Анвар уни еру кўкка ишонмасдан боқа бошлади.

Каптар ҳам Анварга шу даражада ўргандики, унинг орқасидан қолмасдан пилдирб юрарди. Кунларнинг бирида, тушлик пайтида каптар боласини дастурхондан ҳайдашнинг иложи бўлмагач, ўғай она улоқтириб юборди, Анвар кўзларида ёш югуриб бориб, уни қўлига олди, у ҳали тирик эди, охири мунчоқдай кўзлари хира торта-торта жони узилди.

Анвар бувисининг уйига кетиб қолди, отаси яна бир каптар боласини тутиб олиб борди. У каптарни олмади, шушу бувисининг уйида қолиб кетди.

Орадан йиллар ўтиб улғайиб, пединститутга ўқишга кирди. Бу орада бувиси оламдан ўтди. У ўқишни кечки бўлимга ўтказди. Метро қурилишига ишга жойлашди. Дилсўзни учратиб қолди.

Эртаси куни институт эшиги олдида учрашиб қолишди, Дилсўз ундан кўзини олиб қочди, унинг кўзлари қизарган эди. Анваржон унинг ёнида жим турар, нима дейишини билмас эди. Сукунатни Дилсўз бузди:

— Анваржон ака, расм учун раҳмат, у менга сиздан бир умр эсдалик бўлиб қолади, - деди. У кейинчалик ҳам Анваржон ҳақида ўйлар экан, уни ўзидан узоқлаштирмоқчи бўлар, аммо кўнглининг бир четида ундан йироқлашгани сари аламли оғриқ сезарди.

* * *

Ётоқхона рўпарасига бир машина келиб тўхтади. Машинадан башанг кийинган ўрта бўйли, 26 - 27 ёшлар чамаси бир йигит тушиб, ётоқхонанинг иккинчи қаватига кўтарилиб, Анваржоннинг хонаси ёнида тўхтади ва эшикни тақиллатди, ичкаридан жавоб бўлгач, кулгидан ўзини зўрға тийиб:

— Мабодо сизга телевизор керак эмасми? - деб сўради.

Бундай дейишининг сабаби, талабалик йиллари икки ўртоқ Тезиков бозорига бориб телевизор олишди, Анвар такси тутгани кетди, қайтиб келиб қараса телевизор ҳам, Баҳодир ҳам қолдириб кетган жойида йўқ. Суриштириб-суриштириб икки соат деганда, зўрға дўстининг дарагини милицияхонадан топди. Милицияда унга телевизорни ўғирланганлигини айтишди. Анварнинг ҳамма тушунтиришлари бекор кетди. - Ўз оёғинг билан келганинг яхши бўлди, барибир топиб келар эдик, энди сен тушунтириш хати ёзгин, деб қўлига қоғоз-қалам тутқазишди. Терговчи бироздан кейин Анварнинг қўлидан қоғозни олар экан, асабийлашиб:

— Нима, сен ҳали мен билан ўйнашаяпсанми, нега бу қоғозга мана бу расмни чиздинг, бу кимнинг расми? - деб ўшқирди.

Шунда Анвар босиқлик билан:

— Унинг кимлигини камерага қамаб қўйганларингиз ўша йигитдан сўранглар, у сизларга айтади, — деб мийигида кулиб қўйди. Баҳодирга суратни кўрсатишдан бошқа иложи қолмаган терговчи, чиқиб кетди. Бироздан сўнг Баҳодирни бошлаб келди, унга қараб:

- Яхшиям мана бу ўртогинг бор экан, бўлмаса қамалиб кетардинг, - деб Анварга ўтирилиб:

- Йигитлар, сизлардан яна битта илтимосимиз бор, биз бу одамни қўлга олганимиздан кейин келиб гувоҳлик бериб кетишларингизга тўғри келади, - деб уларни чиқариб юборди.

...Баҳодирни кўрган Анвар жуда хурсанд бўлиб кетди, икки ўртоқ узоқ кучоқлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб кетишди. Баҳодир:

- Институтни битирганимизга ҳам анча бўлди, бу орада мен бир ўғил, бир қизлик бўлдим. Нега сен ҳалигача сўққабошсан, дўстим? — деди.

Шунда Анвар:

- Дўстим ўзинг биласан, доноларнинг бир гапи бор, дуч келган нарсани егандан, оч юрган маъқул, уйланишим керак деб дуч келганига уйланиб кетаверсам ҳам яхши бўлмас, - деб жавоб қилди.

—Ўзинг-чи, ўзингдан гапир, келин, болалар ҳаммаси яхши юришибдими, қандай шамоллар учирди? -деб гапни бошқа ёққа буриб юборди.

— Ўзингдан қолар гап йўқ, дўстим, умр ўтаяпти, болалар ҳам катта бўлишаяпти, ҳадемай мактабга ҳам боришади, пойтахт - пойтахт-да, бу ерда лицей, гимназиялар бор, болаларни шу ерда ўқитамиз, деб кўчиб келавердик. Фарғонада ишим ёмон эмас эди, фирмамни укамга қолдирдим, ишлаб турар, ҳа, айтмоқчи, сенинг номингда фирма йўқми, бўлмаса сенинг номингга битта безаш фирмасини очсак, сен қўли гул рассомсан, мен эса сенга ёрдамчи, ҳамма расмий томоларини мен ўз бўйнимга оламан, бу соҳада менинг анчамунча тажрибам бор. Анвар, сен кийиниб туша қол, уйда Доно ошни дамлаб, бизларни кутиб ўтирибди, мен эса машинамни қиздириб тураман, -деб пастга тушиб кетди.

Йўлда талабалик йилларини эслашиб кетишди, шунда Баҳодир:

— Анвар биласанми, яқинда мен кимни учратдим... топа олмайсан, Фаридани, икки қизлик бўлибди, болалари билан боғчага кетаётган экан, олиб бориб қўйдим, унинг айтишича, Дилсўз ўша пайтлари бизга келганидаёқ эри билан ажрашган, ҳозиргача ёлғиз экан, — деб гапини тугатиб улгурмасиданоқ Анвар:

—Нима - нима, нима дединг? У ёлғиз? Наҳот шунча вақтдан бери у ёлғиз бўлса-ю буни мен билмасам, шунчалик ҳам одам деган содда бўладими-а? Қизиғи шундаки, шу кунларда унинг ўғли менга гимнастикадан машғулотга келиб туради, шу икки ой ичида биз у билан жуда иноқ бўлиб кеттанмиз. Дилсўз эса, туман халқ таълими бўлимида услубчи бўлиб ишлаяпти, мен билан муносабати яхши, нега бир оғиз менга сездирмади экан, - деб уф тортиб қўйди.

—Анвар, сен ундан бекорга хафа бўлаяпсан, чунки судда ажралиш пайтида, эрининг опаси жанжал қилиб, келинимиз ҳали ёш, мабодо турмушга чиқиб кетса, жиянимиз бошқа эркакнинг қош-қовоғига қараб яшашини хоҳламаймиз, шунинг учун болани бизга қолдирсин деганда, боласи ҳақидаги бу сўзни эшитган Дилсўз юраги ёрилиб, мен ҳеч қачон турмушга чиқмайман, чиққан куним келиб, Умиджонни олиб кетаверишсин, деб қўйган экан, ажралганлигини айтолмаганлигининг сабаби ҳам шу бўлса керак, чунки сен уни севишингни у жуда яхши билади. Менга Фарида шуларни айтди, -деб машинани уйи ёнида тўхтатди ва Анварга қараб Донохон сезмасин дегандек, имлаб қўйди.

(Давоми бор)

Саид АБДУЛЛАЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Фахриддин КАРИМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0641. Тиражи 24.190. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.00.